ФИЛФАКА САГУ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 36 (1556)
19 ФЕВРАЛЬ ЖУМА 1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Н. С. ХРУШЧЕВ Индонезияга келди

ЖАКАРТА, 18 февраль. (ТАСС). Индонезия Республикаси президенти ва бош министри Сукарнонинг таклифига биноан, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари дўстлик визити билан бугун бу ерга келди.

Совет Иттифоқи ва Индонезия давлат байроқлари билан байрамлардагидек безатилган Кемайоран аэродромида Н. С. Хрушчевни Индонезия Республикаси президенти ва бош министри Сукарно, биринчи министр Жуанда, кабинет министрлари, парламент аъзолари, сиёсий партияларнинг, Индонезия жамоатчилигининг вакиллари, дипломатик корпус аъзолари, Жакартанинг байрам кийимларини кийиб чиққан ўн минглаб аҳолиси кутиб олдилар.

Юқори мартабали совет меҳмонининг келиши шарафига тўплардан 21 марта бирйўла ўқ узиб, миллатлар салюти берилди. Индонезия президенти Сукарно ва СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев самимий табрик нутқи сўзладилар. Кемайоран аэродромидан Н. С. Хрушчевга ажратилган резиденция—Негара саройига қадар бутун йўл давомида Никита Сергеевич Хрушчевни ва президент Сукарнони Жакартанинг бир миллиондан ортиқ аҳолиси қизғин табриклади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XV съездининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ўн бешинчи съезди зўр мамнуният билан шуни қайд қиладики, ўзининг жонажон Коммунистик партияси теварагида маҳкам жипслашган совет халқи ўзининг ижодий яратувчилик кучларига тўлиб тошган ҳолда коммунистик қурилишни кенг авж олдириш даврига кирди. Партия XX ва XXI съездларининг ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларидан руҳланган Ватанимиз меҳнаткашлари шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг доно раҳбарлигида етти йиллик планнинг улуғвор режаларини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, экономика, маданият, фан ва техникани ривожлантиришда тобора янгидан-янги ғалабаларга эришмоқдалар.

Улуғ етти йилликнинг биринчи йилида ажойиб муваффақиятлар қўлга киритилди. Саноат ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди, топшириқдан ташқари қарийб 50 миллиард сўмлик маҳсулот чиқарилди.

Ғалла, гўшт, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мамлакатга анча миқдорда етиштириб берган қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган катта ғалабалар бутун совет халқини қонуний равишда фахрлантирмоқда.

Совет халқи турмушининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада ошириш соҳасида олға томон катта қадам қўйилди.

Совет олимлари космосга йўл очиб, бутун инсоният фойдаси учун унинг сирларини билиб олиш йўлида катта илмий жасорат кўрсатдилар.

Совет халқи етти йиллик биринчи йилининг топшириқларини анча ошириб бажариб, ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан етти йилликни муддатидан олдин бажаришга қаттиқ бел боғлаганлигини намойиш қилиб кўрсатди.

1959 йил бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ва жаҳон социалистик системасини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш йўлида Совет давлати ўтказиб келаётган ташқи сиёсат янги муваффақиятларга эришган йил бўлди.

Совет Иттифоқи ўз ташаббуси билан ўз Қуролли Кучларини яна анча миқдорда қисқартириши тўғрисида СССР Олий Совети қабул қилган қонун Совет давлати тинчликсевар сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партиянинг, партия ленинчи Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг ташқи сиёсатини ва Никита Сергеевич Хрушчевнинг ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш, бутун инсоният учун бахт-саодат ва равнақ вужудга келтириш йўлида олиб бораётган қизғин фаолиятини яқдиллик билан маъқулламоқдалар.

Съезд Совет Ўзбекистони коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг атоқли ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги доно Марказий Комитетига севикли Совет юртимизнинг қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида, пролетар интернационализмнинг ленинча байроғи остида бузилмас яхлит қардош оила бўлиб жипслашган барча социалистик миллатларнинг яйраб-яшнаши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун чуқур миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалби Ватанимизнинг ҳамма халқларига ва аввало дўстлик, самимий қардошликка содиқ бўлиш, Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимея қилишда, ёрқин коммунистик истиқбол учун курашда қаҳрамонлик ва фидокорликнинг олижаноб намунасини кўрсатган улуғ рус халқига жуда катта бегараз ёрдам ва мадад бериб келаётганликлари учун миннатдорчилик ҳислари билан тўлиб тошмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари республикасининг ишлаб чиқариш кучларини ва маданиятини ривожлантириш соҳасидаги ҳамма муваффақиятларимизга, ўзбек халқининг эркин ва бахтиёр бўлиб яшашга улуғ Ленин яратган Коммунистик партия туфайли, КПСС Марказий Комитети изчиллик билан амалга ошириб келаётган доно ленинча миллий сиёсат туфайли эришдилар.

Ўзбекистоннинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари зўр миннатдорчилик билан шуни қайд қиладиларки, Совет Ўзбекистони кейинги йилларда эришаётган катта ғалабаларда бутун совет халқининг чексиз ишонч ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган ғоғишмас, саботли ленинчи, талантли ташкилотчи Никита Сергеевич Хрушчев жуда катта роль ўйнади. Совет пахтачилиги юксалиб бораётганлиги ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номи билан бевосита боғлангандир. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг пахтачиликка бағишланиб, 1954 йилда Тошкентда ўтказилган кенгашда, пахтакорларнинг 1958 йилда Москвадаги Бутуниттифоқ кенгашида ва республикамизга бир неча марта келган вақтларида донишмандлик билан берган кўрсатмалари эскилик ва консерватизмга қарши, пахтачиликда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида янги, илғор ташаббусларнинг ғалабаси учун курашда Ўзбекистон партия ташкилотига бебаҳо ёрдам кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев Ўзбекистон Компартиясининг XV съездида қатнашганлиги ва сўзлаганлиги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини яшнатиш тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилиб, бу ишга доимий эътибор бериб келаётганликларининг янги ифодасидир.

* * *

XV съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини тинглаб ва муҳокама қилиб мамнуният билан шуни қайд қиладики, республика партия ташкилоти ва меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида ҳисобот даврида коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида катта муваффақиятларга эришдилар. Республика саноати янги қувватларни ишга туширди, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш ҳисобига анча ривожланди. Ялпи маҳсулот ҳажми 1959 йилда кўпайиб, бир неча миллиард сўмни ташкил қилди ёки 1955 йилдагига нисбатан 30 процент ошди, оғир индустрия маҳсулоти эса 77 процент кўпайди.

Шу давр ичида 170 та йирик саноат корхонаси қурилди ва ишга туширилди, булар орасида: Фаргона нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи, рангли металлургия корхоналари, Шарқий кўмир кони, Чирчиқ қаттиқ қотишмалар заводи, Оҳангарон ГРЭСи, Хишров ГЭСи, Фаргонадаги 2-ТЭЦ, Тошкент уй қуриш комбинати, Янгийўл гидролиз заводи, Денов ром заводи, Жомбой, Жума ва Яккабоғ пахта заводлари ҳамда бошқа корхоналар бор. Ишлаб турган корхоналарнинг кўпи реконструкция қилинганлиги натижасида уларнинг қуввати кўпайди. Ўтган йиллар ичида республикада замонавий машиналар ва механизмларнинг 42 та янги типи яратилди, ускуналар модернизация қилинди ва меҳнатни кўп талаб қиладиган ишлар механизациялаштирилди, ишлаб чиқариш процесслари автоматлаштирилди, кўпгина қимматли рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари амалга оширилди. Пахта терадиган янги машиналарнинг, белгиланган миқдорда чигит экадиган сеялкаларнинг ва бошқа машиналарнинг конструкциялари ишлаб чиқилганлиги ва уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлиги машинасозлик корхоналари ва конструкторлик бюроларининг жиддий муваффақиятидир.

Партия ва ҳукумат саноатни ва қишлоқни бошқаришни қайта қурганлиги республика саноатини жадал ривожлантирувчи жуда муҳим омил бўлди. Халқ хўжалиги кенгашлари ишлаб чиқариш масалаларини конкрет ва оператив ҳал қиладиган, табиий бойликлар ва ички резервлардан тўлиқроқ фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Халқ хўжалиги кенгашлари ташкил этилгандан бери ўтган икки ярим йил ичида ялпи маҳсулот ҳажми қарийб 10 миллиард сўм миқдорида кўпайди, бу эса Халқ хўжалиги кенгашлари ташкил этилганига қадар бўлган даврдаги мана шундай ўсишга нисбатан 2 миллиард сўмлик ошиқ ялпи маҳсулот берилганлигини кўрсатали.

Халқ хўжалиги кенгашларига қарашли саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини бажара бориб, 1959 йилда 94 та поток линиясини, 97 та конвейерни ишга солдилар, 10 мингтадан кўпроқ янги ускунани ишга туширидилар ва эски ускуналардан 3,5 мингтасини модернизация қилдилар. Нефть, кимё, машинасозлик саноатларида, енгил саноатда, озиқ-овқат саноатида ва бошқа саноат тармоқларида янги техникани, илғор технологияни, автоматизация ва механизацияни жорий қилиш соҳасида анча ишлар қилинди. Натижада техника-иқтисодий кўрсаткичлар анча яхшиланди ва ишлаб чиқариш маданияти ошди. Шу вақт ичида меҳнат унумдорлиги 16 процент кўпайди. Маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан 1 миллиард сўмликдан кўпроқ маблағ тежалди. Республикада пландан ташқари олинаётган фойдани кўпайтириш ҳисобига етти йиллик фондини вужудга келтириш ҳаракати бошланди.

Партия XXI съездининг ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий қарорлари социалистик мусобақани зўр куч билан юксалтириб юборди. Халқ оммасининг ижодий активлигини ғоят ошириди. 340 бригада коммунистик меҳнат бригаласи деган номни олишга сазовор бўлди, 2 минг ишчига эса коммунистик меҳнат зарбдори деган ном берилди. Юзлаб илғор ишчилар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентина Гаганованинг ўрнак олиб, қолоқ участкаларга ўтиб ишлай бошладилар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиларидан Люба Сеташева, Екатерина Сухорукова ва бошқалар юксак даражада коммунистик онглилик кўрсатиб, ишлаб чиқариш резервларидан яхшироқ фойдаланиш учун кураш ташаббусчиси бўлган Юлия Вечерованинг ватанпарварлик ташаббусига биринчи бўлиб эргашдилар.

Ҳисобот даврида республика саноати пландан ташқари бир неча миллиард сўмлик маҳсулот берди. Пландан ташқари 190 минг тонна нефть, 140 минг тонна кўмир чиқарилди. 160 миллион киловатт соат электр энергия ва 40 минг тонна ўғит, 19 миллион метрдан кўпроқ ип ва шойи газлама, 1 миллион 700 минг жуфт чарм пойафзал, 26 минг тонна ўсимлик мойи ва бошқа кўпгина маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Съезд саноатнинг 1959 йилда—етти йилликнинг биринчи йилида эришган муваффақиятларини алоҳида қайд қилади. Республика саноати ишлаб чиқариш йиллик планини 18 декабрда, муддатидан олдин бажариб, пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик маҳсулот берди. Халқ хўжалиги кенгашларининг ҳаммаси ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Ўтган йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 9 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 6 процент ошди. 1960 йилнинг январида ҳам план ошириб бажарилди.

Республикада геология-қидириш ишлари янада ривожлантирилди. Геология-қидириш ишларининг ҳажми 1959 йилда 1956 йилдагига нисбатан ажратилган маблағлар бўйича 1.8 баравар кўпайди, шу жумладан нефть ва газ бўйича 2.5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Кейинги йилларда Бухоро районида жуда катта газ кони топилганлиги республиканинг кимё ва энергетика саноатини тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашга имкон беради ва фақат Ўзбекистонлагина эмас, шу билан бирга Урал, Козоғистон ва Ўрта Осиё республикаларининг йирик саноат марказларида ҳам ёқилғи балансини тўлдан ўзгартиради.

Транспорт ва алоқанинг ҳамма турларини ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришилди. Тошкент темир йўли республика халқ хўжалигига узлуксиз хизмат кўрсатишни таъминлаш ва ўз ишининг техника-иқтисодий кўрсаткичларини 1959 йилда анча яхшилаш. 1955 йилдагига нисбатан 1959 йилда юк обороти 1.4 баравар, тепловозларнинг кундалик қатнов тезлиги қарийб 1.5 баравар ва юк поезднинг ўртача вазни 20 процент кўпайди. Автотранспортнинг юк обороти 1.9 баравар кўпайди. 3.3 баравар кўп пассажир ташилди. Республика шаҳарлари ва қишлоқларидаги автомат телефон станцияларининг қуввати 2 баравардан зиёдроқ ортди. Аҳоли яшайдиган жойларни ёппасига радиолаштириш асосан тугалланди. Телевидение аҳолининг турмушига тобора кўпроқ сингиб бормоқда.

Ҳисобот даврида республика халқ хўжалигидаги капитал қурилишга 18 миллиард сўм, яъни бундан олдинги тўрт йилдагига қараганда икки баравар кўп маблағ сарфланди. Қурилишни ташкил этиш яхшиланди, йирик темир бетонни саноат ишлаб чиқариши ривожлантирилмоқда, йирик панеллардан уйлар қуриш бошлаб юборилди. Керамзит, аглополит ва бошқа самарали енгил материалларни ишлаб чиқариш ташкил этилди. Шу вақт ичида республика қурилиш ташкилотларида меҳнат унумдорлиги 33.4 процент ошди.

Съезд хисобот даврида республика қишлоқ хўжалиги янада кенг миқёсда ривожланганлигини қайд қилади. Республика партия ташкилоти қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида партия ишлаб чиққан жуда муҳим тадбирларни амалга ошира бориб, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларини анча ўстиришни таъминлади.

1956 йилдан 1959 йилгача бўлган давр ичида янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш натижасида пахта майдони 78.8 минг гектар кенгайди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш системаларини техника жиҳатдан такомиллаштириш ва бир канча районларда сув танкислигини тугатиш соҳасида катта ишлар қилинди. Пахтанинг ҳосилдорлиги ошиб, 1955 йилдаги 18.9 центнердан 1959 йилда 22.9 центнерга етди, пахтанинг ялпи ҳосили эса 678 минг тонна ёки 27.5 процент кўпайди.

Республика колхозлари ва совхозлари етти йилликнинг биринчи йилида ўз социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажариб, пахта етиштиришда энг юксак даражага эришдилар ва Ўзбекистондаги бутун пахтачилик тарихида энг юқори ҳосил олдилар. Давлатга 3 миллион 163 минг тонна ёки планда белгиланганидан 193 минг тонна кўп ва 1958 йиллагига қараганда 217 минг тонна кўп пахта сотилди. Пахтанинг қарийб 85 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳамма областлар, деярли ҳамма районлар, колхозлар ва совхозларнинг катта кўпчилиги давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган планларини ва социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Республика партия ташкилотлари ғўзани парвариш қилишнинг прогрессив усулларини кенг жорий қилиш соҳасида ташкилотчилик ишларини қунт билан ўтказдилар ва колоклик ҳамда консервативизм қатъиян енгиб, пахтачиликни комплекс механизациялаш ва деҳқончилик маданиятини ошириш ишида жиддий бурилиш ясашга муваффақ бўлдилар. Квадрат-уялаб экиш, ғўза қатор ораларини механизмлар билан икки ёклама ишлаш, ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш усуллари ва бошқа прогрессив усуллар энди пахтачиликда мустаҳкам ўрин олди. Республиканинг ҳамма колхозлари ва совхозларида ғўзани парвариш қилишнинг асоси бўлиб колди.

Шундай қувончли бир нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, пахтачиликда энг кўп меҳнат талаб қиладиган иш бўлган пахта теришни механизациялаш соҳасида 1959 йилда катта қадам қўйилди ва 330 минг тонна пахта машинада терилди. Ишларни комплекс механизациялаш ташаббусчилари Валентин Тюпко, Тоғай Абсаматов, Қурбон Кенжаев, Манноб Жадолов, Мурод Холбоев, Ғаниҷер Юнусов, донгдор механик-ҳайдовчилар Меликўзи Умурзоқов ва Турсуной Охуновларнинг ажойиб ҳаракати кенг авж олди.

Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини оширишни ва маҳсулот таннархини камайтиришни таъминлади. Ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун сарфланаётган меҳнат 1955 йилдагига нисбатан 40 процент камайди.

Каноп экувчи колхозларнинг меҳнаткашлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Улар 1959 йилда каноп ва жут етиштириш соҳасида етти йилликнинг охирига белгиланган даражага эришдилар.

Жамоат чорвачилигини ривожлантиришда базси муваффақиятлар қўлга киритилди. Қорамоллар сони 23 процент, сигирлар 42 процент, қорақўй қўйлари 27 процент, чўчқалар 5 баравар кўпайди. Паррандаларнинг сони анча ошди. Гўшт етиштириш 1,3 баравар, сут етиштириш 2,3 баравар, тухум етиштириш 2,2 баравар, жун етиштириш 25 процент ва қорақўл терилари етиштириш 24 процент кўпайди.

Ўзбекистон партия ташкилотлари сабзавотчилик соҳасида йўл қўйилган катта қолоқликни тугата бориб, 1959 йилда сабзавот, картошка, қовун-тарвуз етиштиришни анча кўпайтирдилар. Аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш сезиларлик равишда яхшиланди.

Съезд зўр мамнуният билан қайд қиладики, КПСС Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ташаббуси билан МТСлар қайта ташкил қилиниб, техника колхозларга сотилганлиги колхозларнинг жамоат хўжалигини янада ўстиришни таъминлади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсганлиги ва унинг товар маҳсулоти кўпайганлиги асосида колхозларнинг пул даромадлари ва бўлинмас фондларга маблағ ажратишлари ҳам кўпайди. Ҳисобот даврида колхозларнинг пул даромадлари 7,5 миллиард сўмдан 10,7 миллиард сўмга етди ёки 42,5 процент кўпайди. 1959 йилда колхозлар бўлинмас фондларга 2,4 миллиард сўм ёки бутун пул даромадининг 22 процентини ажратдилар.

Колхозлар ишлаб чиқариш бинолари қуришни кенгайтириш билан бир қаторда кўп миқдорда маданий-маиший бинолар, интернат-мактаблар, клублар, касалхоналар, болалар яслилари, нонвойхоналар, ошхоналар қуриб олдилар ва қурмоқдалар, бу эса колхозчилар фаровонлигини оширишга ёрдам бермоқда. Республика колхозлари янги ерларни ўзлаштиришга, ирригация иншоотлари, йўллар, электростанциялар қуришга катта-катта маблағ сарфлайдиган бўлиб қолдилар.

Колхозлар ташкилий хўжалик жиҳатидан янада мустаҳкамланганлиги натижасида прогрессив ҳаракат туғилди — колхозлараро ишлаб чиқариш алоқалари кенгайди. Кўп колхозлар биргалашиб колхозлараро заводлар, электростанциялар, каналлар, санаторийлар қурмоқдалар, бу эса колхоз кооператив мулкини умумхалқ мулки билан яқинлаштириш йўлида қўйилган катта қадамдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленуми етти йиллик планни яна ҳам қисқароқ муддатларда бажаришни таъминлаш йўлида резервлардан энг кўп фойдаланиш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий активлигини янада кенг миқёсда юксалтириб юборди. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларига жавобан республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар олдилар.

Республика партия ташкилоти партия ва ҳукуматнинг қарорларига амал қилиб, ҳисобот даврида халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтиришга қаратилган бир қанча катта тадбирларни амалга оширди. Ишчи ва хизматчиларнинг ҳам ҳақ тўланадиган категориялари олаётган иш ҳақи оширилди. 1960 йилда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги ишчи ва хизматчиларни 7 ва 6 соатлик иш кунига ўтказиш тугалланади. Социал-маданий тадбирларга бюджетдан ажратилаётган маблағлар 1,8 баравар кўпайди. Республикада товар оборотининг ҳажми ўтган тўрт йил ичида 54 процент кўпайди. Республика аҳолисига 1959 йилда давлат ва кооператив савдоси шохобчалари орқали 1955 йилдагига қараганда гўшт маҳсулотлари 2 баравар, сариёғ ва сут 2,9 баравар, сабзавот 1,8 баравар, картошка 6,7 баравар кўп сотилди ва ҳоказо. Даволаш, профилактика, санитария муассасалари ва юқумли касалликларга қарши кураш ва дорихона муассасалари анча кўпайтирилди ва кенгайтирилди. Мавжуд касалхоналар, санаторийлар ва туғруқхоналардаги жойлар сони фақат 1959 йилнинг ўзида 3 мингтадан зиёд кўпайтирилди. Янги касалхоналар, амбулатория ва поликлиникалар очилди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун 1959 йили 100 га яқин маъмурий бино касалхона ва туғруқхоналар учун берилди.

Республикада умумий таълим мактаблари, шунингдек олий ва ўрта махсус таълим янада ривожлантирилди. Ҳозирги вақтда 6311 мактаб ва 43 та интернат-мактабда 1 миллион 426 мингдан кўпроқ бола ўқимоқда ва тарбияланмоқда. Мактабларни бир сменали машғулотга ўтказиш соҳасида катта иш қилинмоқда. Шу яқин вақт ичидагина колхозлар, муассасалар ва идораларнинг биноларидан 1000 дан ортиги мактаблар учун берилди. Ўқитишни ижтимоий фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш ишида бир мунча натижаларга эришилди. Халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш иши яхшиланди. Кейинги тўрт йил ичида олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги студентлар сони анча кўпайди. Шу давр ичида 115 ихтисос бўйича 44,5 мингдан кўпроқ мутахассис тайёрланди. 40 мингдан кўпроқ киши олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларида ўқимоқда.

Фан соҳасида маълум ютуқлар қўлга киритилди. Республикада совет Шарқида биринчи атом реактори ишга туширилди. Илмий муассасаларнинг шохобчалари кенгайтирилди, янги илмий соҳалар ривожланмоқда, хўжалик ва маданий қурилишнинг энг зарур масалаларини ҳал қилишда олимларнинг роли оширилди.

Республика партия ташкилотлари КПСС XX ва XXI съездларининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, меҳнаткашлар орасида идеология ишларини бирмунча кучайтиришга эришдилар. Партия пропагандасини ҳозирги замон шароитида қайта қуришда, асосий камчиликни, яъни партия пропагандасининг коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларидан ажралиб қолганлигини йўқотишда бир қанча чоралар амалга оширилди.

Аҳоли орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар янада хилма-хил бўлиб қолди ва конкрет тус олди. 125 минг агитатор омма орасида агитация ишларини олиб бормоқда. Кутубхоналар ва клублар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ўз ишларини яхшиладилар. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида матбуот, радио, кино ва телевидениенинг роли сезиларлик равишда кучайди. 1959 йилда Москвада ўзбек санъати ва адабиёти декадаси муваффақиятли равишда ўтказилганлиги республика адабиёт, санъат арбобларининг маҳорати ошганлигини кўрсатди.

Съезд шуни қайд қиладики, ҳисобот даврида Ўзбекистон партия ташкилотлари анча мустаҳкамланди, уларнинг хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишдаги ташкилотчилик роли ва таъсири кучайди.

Кейинги тўрт йил ичида Ўзбекистон Компартияси сафига 52 мингдан кўпроқ киши қабул қилинди ва унинг сафларидаги коммунистлар сони 202 865 кишига етди. КПСС сафларига қабул қилинганлар орасида ишчи ва колхозчилар 65,8 процентни ташкил этади.

Республика партия ташкилоти партия райкомларини, район ижроия комитетларини, колхозлар, совхозлар ва РТСларни яхши тайёрланган ва гайратли кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида бир қанча чораларни амалга оширди. Хўжаликка коллектив раҳбарлик қилиш принципи ва кадрларнинг топширилган иш учун шахсан жавобгарлиқ принципи изчиллик билан амалга оширилмоқда. Партия комитетлари меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ишларига катта эътибор берадиган бўлиб қолдилар, комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшиладилар, бу эса шу ташкилотларнинг иш савиясини оширишга ёрдам берди.

Бошқарув органларининг структурасини ихчамлаштириш, ишларини такомиллаштириш ва уларнинг аппаратини қисқартириш соҳасида бирмунча иш қилинди. Ҳисобот даврида икки область, 42 қишлоқ райони ва шаҳарлардаги уч район тугатилди, 291 қишлоқ Совети бирлаштирилди. Фақат кейинги уч йилнинг ўзидагина республика корхоналари ва муассасаларида маъмурий бошқарув аппарати ходимларидан 13 мингдан кўпроқ киши қисқартирилди, бунинг натижасида 153 миллион сўм тежалди.

Республика партия ташкилотлари бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва конференциялавида ўзларининг Ленин байроғига чексиз содиқликларини, КПСС Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини ва мамлакатимизда коммунистик қурилишни кенг авж олдириш программасини белгилаб берган КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини шараф билан бажаришга тайёр эканликларини намойиш қилдилар.

Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда республика партия комитетларининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш ишида жиддий камчиликлар содир бўлаётганлигини қайд қилади.

Партия Марказий Комитети, область, шаҳар ва район комитетлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг мавжуд жуда катта резервларини ва имкониятларини ҳар томонлама топиб, улардан тўла фойдаланишни таъминламадилар. Айрим корхоналар давлат планларини бажармаётирлар, бир моромда ишламаётирлар. Мамлакатнинг бошқа иқтисодий районларига зарур ускуналарни етказиб бериш планини бажармаслик фактлари содир бўлмоқда. Кўпгина корхона раҳбарлари экономика масалалари билан, айниқса меҳнат унумдорлигини ошириш, материалларни тежаб сарфлаш ва чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш масалалари билан тузук шуғулланмаётирлар.

Республика халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини техника билан қайта ускуналаш ишлари даражаси партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми кўйган вазифаларга ҳали ҳам мувофиқ равишда эмас. Замонавий технология ускуналарининг ва бошқа ускуналарнинг янги қувватларини ишга туширишда жиддий қолоқликка йўл қўйилди. Саноат корхоналарини газификациялаш ишлари тузук олиб борилмаётир. Рангли металлургияда рудадан рангли ва нодир металларни комплекс равишда чиқариб олиш вазифаси қониқарсиз ҳал қилинмоқда. Кон-руда саноатида асосий механизмларнинг қувватларидан фақат 50—60 процент фойдаланилмоқда. Энергетика, нефть, кимё ва гўшт, сут саноатида қувватларни янада кўпайтириш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш айниқса машинасозликда ҳали ҳам суст жорий қилинмоқда. Ёрдамчи ишларни ва юк ортиш-бўшатиш ишларини механизациялаш халқ хўжалигидаги энг қолоқ участка бўлиб қолди. Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар, бошқармалар, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари янги техникани жорий қилиш, эскирган ускуналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш соҳасида белгиланган топшириқларни етарли равишда қунт билан бажармаётирлар, айрим саноат корхоналари ишлаб чиқариш планларини ва янги техникани жорий қилиш планларини бажармаётганликларига, шунингдек ишлаб чиқариш новаторларининг таклифларидан ўз вақтида фойдаланмаслик, саноат, қурилиш, алоқа ва транспорт илғорларининг тажрибаларини ўз вақтида ўрганмаслик ва кенг ёймаслик фактларига нисбатан тегишли чораларни кўрмаётирлар.

Транспортда тепловозлар, паровозларнинг кундалик қатновини ошириш ва вагонлар оборотини тезлаштириш резервларидан тўла фойдаланилмаётир. Автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициенти ҳали ҳам паст. Йўлларни батартиб сақлаш учун тегишли чоралар кўрилмаётир. Янги алоқа объектлари секин қурилмоқда ва ишга туширилмоқда. Аҳолига телефон ва почта хизмати кўрсатиш даражаси ўсиб бораётган талаблардан орқада қолмоқда.

Республика халқ хўжалигини планлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Планнинг энг муҳим элементларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини ва янги техникани жорий қилиш планларини бир-бирига узвий равишда боғлаш тўла таъминланмаётир, булар кўпинча моддий-техника таъминоти плани билан боғланмаган.

Съезд шуни қайд қиладики, Ўзбекистон Компартияси XIII ва XIV съездларининг қарорларида капитал қурилишни яхшилаш тўғрисида берилган кўрсатмалар қониқарсиз бажарилмоқда. Капитал қурилишда моддий, пул ва меҳнат ресурсларини жуда кўп объектларга чачиб юбориш каби жиддий камчиликлар шу вақтгача тугатилгани йўқ, бу камчиликлар натижасида капитал ишлар плани систематик равишда бажарилмай қолмоқда. янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш чўзилиб кетмоқда ва битмай қолган қурилишлар кўпайиб кетмоқда.

Қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, қурилишнинг индустриал методларини ва прогрессив бинокорлик материалларини ҳар тарафлама жорий қилиш вазифаси секинлик билан ҳал қилинмоқда. Лойиҳа-смета хўжаликларини ўз вақтида ва сифатли қилиб тайёрлаб бериш ҳамда қурилишларга материал-техникани, айниқса бутловчи ускуналарни комплекс равишда етказиб бериш таъминланмаётир.

Съезд шуни уқтириб ўтадики, саноатда малакали ишчиларнинг доимий кадрларини вужудга келтириш ва уларни сақлаб қолиш, инженер-техник ходимларнинг малакасини ошириш, корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш — саноатда ва қурилишда техникани тараққий эттириш ва техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш вазифаларини муваффақиятли равишда амалга оширишнинг энг муҳим шартидир. Бироқ партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бу муҳим ишга етарлик эътибор бермаётирлар.

Съезд қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликлар борлигини қайд қилади. Республикадаги колхозлар ва совхозларнинг анчагина қисми пахталаш ҳали ҳам кам ҳосил олмоқда ва ўз мажбуриятларини бажармаётир. 1959 йилда 34 район, 544 колхоз, 44 совхоз ўз мажбуриятини бажармади, 113 колхоз, 13 совхоз ва 2636 бригада эса ҳатто давлатга пахта сотиш планини ҳам бажармади. Дала ишлари ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилмаётганлиги, деҳқончилик маданиятининг пастлиги мўл ҳосил олиш ишига катта зарар етказмоқда. Кўп колхоз ва совхозларда алмашлаб экиш секинлик билан ва бетартиб жорий қилинмоқда, аралаштириб экиш ва такрорий экиш етарлик равишда кенг ривожланганлиги йўқ. Янги навлар ҳосил қилиш, ғўза ва бошқа экинларнинг зараркунандалари ва касалликлари билан курашни ташкил этиш ишида жиддий камчиликлар содир бўлмоқда.

Пахтачиликда меҳнат ҳали ҳам кўп сарфланмоқда ва маҳсулот таннархи ҳали ҳам юқори. Ҳар бир центнер пахта етиштириш учун республикадаги ўртача даражага қараганда 2—3 баравар кам меҳнат ва 1,5—2 баравар кам маблағ сарфлаётган илғор бригадалар ва хўжаликларнинг тажрибалари ҳали ҳам яхши ёйилмаётир. Техникадан фойдаланиш ва уни асраш ишида жиддий камчиликлар юз бермоқда.

Ўзбекистон Компартия

Ўзбекистон Коммунистик партияси XV съездининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Кейинги йилларда республикада чорвачиликка раҳбарлик қилиш ишида жиддий хатога йўл қўйилди, бунинг натижасида бирқанча областларда жамоат чорва моллари сонини кўпайтириш сўръатлари аҳолининг шахсий мулки бўлган чорва моллар сонининг кўпайишидан анча орқада қолмоқда.

Республикадаги колхозлар ва совхозларнинг қўпчилигида ем-хашак етарлик миқдорда етиштирилмаётир. Кўпгина маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ҳали ҳам маккажўхорига етарлик аҳамият бермаётирлар, бу фойдали экинни кўпинча ориқ ерларга экишга йўл қўймоқдалар, маккажўхоридан яхши ҳосил олмаётирлар ва унинг ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олмаётирлар. Беда ва бошқа озуқа экинларининг ҳосили ҳам паст. Чўл ва ярим чўллардаги яйловларга сув чиқариш ва бу яйловларни ўзлаштириш ишлари етарлик олиб борилмаётир, қорақўйчиликни ривожлантириш учун мавжуд резервлардан фойдаланилмаётир.

Республикада пиллачилик жуда суст ривожланмоқда. Пиллачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларнинг кўпи механизациялаштирилмаган, қурт боқишни жадаллаштириш усуллари ҳамда тутзорларни парвариш қилишнинг прогрессив агротехника усуллари тузук жорий қилинмаётир, қурт уруғи навларини яхшилашга эътибор берилмаётир. Республикада бордорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлардан фойдаланишга етарлик эътибор берилмаётир; сабзавот ва картошка ҳали ҳам кам етиштирилмоқда.

Съезд шуни қайд қиладики, республикада колхозларнинг бўлинмас фондларини мумкин қадар кўпайтиришни таъминламоқ учун кейинги вақтларгача етарлик чоралар кўрилмади. Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш, колхоз мулкини талаш ва талон-торож қилиш фактлари ҳали ҳам йўқотилгани йўқ. Умуман республика совхозлари колхозлардагига қараганда пахтадан кам ҳосил олаётганликлари, пахтанинг таннархи эса совхозларда қимматга тушаётганлиги бутунлай йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Кўпгина партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари томонидан колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишда йўл қўйилаётган жиддий камчилик шуки, улар хўжаликларнинг экономикасини яхши, чуқур ўрганмаётирлар, хўжаликларнинг фаолиятини чуқур анализ қилмаётирлар, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш масалаларига, колхозларда хўжалик ҳисобини қунт билан жорий қилишга лозим бўлган даражада эътибор бермаётирлар, исрофгарчилик фактларига нисбатан чора кўрмаётирлар.

Кўпгина партия, совет ва хўжалик ташкилотлари аҳолига маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш масалаларига ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар. Юқумли касалликлар билан кураш, шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда. Аҳолини тоза сув билан таъминлаш, турмуш шароитини ва ишлаб чиқариш шароитини яхшилаш учун тегишли чоралар кўрилмаётир. Республикада аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражаси аҳолининг ўсиб бораётган талабларига ҳали ҳам жавоб бермаётир. Аҳолининг молларга бўлган талаби етарли равишда ўрганилмаётир, кўп магазинлар ва ошхоналарда аҳолига молни кам ўлчаб, кам тортиб бериш ва пулдан уриб қолиш ҳоллари ҳали ҳам давом этмоқда.

Съезд милиция, суд ва прокуратура органлари республика шаҳарлари ва қишлоқларида тегишли жамоатчилик тартибини ўрнатиш масалалари билан етарли равишда шуғулланмаётирлар, жиноятларга, спекуляцияга қарши ва жамоатчилик тартибига зид бўлган бошқа ҳодисаларга қарши тузук кураш олиб бормаётирлар, деб хисоблайди. Партия комитетлари меҳнаткашларнинг ўзларини жамоатчилик тартибини муҳофаза қилишга кам жалб килмоқдалар, тузилган дружиналар ва ўртоқлик судларининг кўплари ишламаётганлигини кўриб индамай турибдилар.

Съезд маданий қурилиш соҳасида катта камчиликлар борлигини қайд килади. Кўпгина партия ташкилотлари халқ маорифига кам эътибор бермоқдалар. Умумий мажбурий таълим плани ҳали ҳам бажарилмай келмоқда ва ўқувчиларнинг мактабдан кетиб қолиш ҳоллари ҳали ҳам кўп. Бир қанча мактабларда, айниқса кишлоқ мактабларида ўқитиш паст даражада олиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг анча қисми программадаги материални ўзлаштирмаётир ва икки йил бир синфда колмоқда. Ўқитувчи кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари тузук ташкил этилмаган. Ўқитувчиларнинг 66 процентдан кўпроғи олий маълумотга эга эмас. Республикада ўқитувчи кадрлар тайёрлашни планлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва сиёсий-тарбиявий ишлар ҳали ҳам тузук ташкил этилмаган. Илмий кадрлар тайёрлаш ишига кам эътибор берилмоқда. Фанлар академиясининг, илмий тадқиқот муассасаларининг ва олий ўқув юртларининг фаолиятида халқ хўжалигини ва маданиятни янада ривожлантиришнинг энг зарур вазифаларидан ажралиб ишлаш ҳоллари ҳали ҳам содир бўлмоқда, танқид тузук авж олдирилмаган. Автоматика, табиий газдан фойдаланиш, полимерлар кимёси ва экспериментал биология соҳаларидаги тадқиқотлар бизда суст олиб борилмоқда. Илмий ишларни бир-бирига уйғунлаштириш ҳали ҳам қониқарсиз ташкил этилган, фан муваффақиятлари ишлаб чиқаришга секинлик билан жорий килинмоқда.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида қайд қилиб ўтилган камчиликлар республика партия ташкилотининг фаолиятида ҳам содир бўлмоқда, деб ҳисоблайди. Кўпгина область, шаҳар ва район партия комитетлари омма орасида олиб борилаётган сиёсий ишларга ҳали ҳам тузук раҳбарлик қилмаётирлар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳозирги замон шароитида алоҳида катта аҳамият касб қилаётганлигини ҳисобга олмаётирлар. Аҳоли орасида олиб борилаётган оғзаки ва матбуот пропагандасини, оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини ташкил этишда ва бу ишларнинг мазмунида турмушдан ва коммунистик қурилиш практикасидан бирмунча ажралиб қолиш сезилмоқда. Хотин-қизлар ва ёшлар орасида сиёсий-тарбиявий ишлар тузук олиб борилмаётир. Айрим жойларда илмий атеистик ва илмий оқартув пропагандасининг савияси паст. Ижодкор ташкилотларнинг ишида катта камчиликлар бор. Ёзувчилар, композиторлар ва рассомлар ҳозирги замон темаларида юксак ғоявий ва юксак бадиий адабиёт ва санъат асарларини ҳали ҳам кам яратмоқдалар.

Кўпгина партия ва совет ташкилотлари олиб бораётган ташкилотчилик ишларининг савияси, айниқса кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг савияси партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қўйган вазифалардан орқада қолмоқда.

Кўпгина область, шаҳар ва район партия комитетлари кадрларни танлаш ва тарбиялашда партия принципларини ғоҳо бузадилар, топширилган ишни эплай олмаган раҳбарларга нисбатан чора кўрмадилар, уларни бир жойдан-иккинчи жойга кўчириб қўя бердилар; раҳбар ходимларнинг партия ва давлат интизомини, коммунистик ахлоқ принципларини бузишлари сингари ҳоллларга нисбатан кескин равишда ва ўз вақтида чора кўрмадилар; партия сафларини ўстиришни тартибга солиш ишига етарли эътибор бермадилар, ёш коммунистлар орасида тарбиявий ишларни тузук олиб бормадилар. Халқ хўжалигининг бир қанча муҳим участкаларида, айниқса чорвачиликда, қурилишда ишлаётган коммунистлар сони ҳали ҳам кам.

Шаҳар ва район партия комитетлари томонидан қилинаётган раҳбарлик савияси пастлиги натижасида кўпгина корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш учун, техникани тараққий эттириш учун зўр бериб курашмаётирлар, етти йиллик планни муддатидан олдин бажаришга ҳамма резервларни сафарбар қилмаётирлар. Кўпгина партия комитетларининг иш практикасида конкретлик, муайян мақсадни кўзлаб ишлаш, ишчанлик ҳали ҳам етишмайди, улар партия, ҳукумат директивларининг ва ўзлари қабул қилган қарорларнинг ижросини етарли равишда контроль қилмаётирлар.

Кўпгина маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг, савдо, умумий овқатланиш корхоналарининг ишларини контроль қилишга, уй-жойларни тақсимлашга депутатларни ва жамоатчиликни ҳали ҳам етарли равишда тортмаётирлар. Партия комитетлари ўз ишларида касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига ҳали ҳам тузук таянмаётирлар, бу ташкилотларни кадрлар билан етарли равишда мустаҳкамламаётирлар, уларга лозим бўлган даражада ёрдам кўрсатмаётирлар.

Съезд КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг халқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчилик ва хатоларини очиб ташлаб, республика партия ташкилотига жуда катта ёрдам кўрсатди, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленумининг (1959 йил март) қарорлари ўз вақтида қабул қилинган қарорлар бўлди ва республикадаги бутун партия ташкилотининг фаолиятини жиддий равишда яхшилашни таъминлади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XV съезди **қарор қилади:**

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги иши қониқарли деб топилсин.

Съезд КПСС XXI съездининг қарорларини ҳеч сўзсиз амалга оширишни ҳамда халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма тармоқларида, республика меҳнаткашларининг фаровонлигини янада юксалтириш соҳасида етти йиллик планни муддатидан олдин бажаришни таъминлаш Ўзбекистон Компартияси ва унинг Марказий Комитетининг асосий вазифасидир, деб ҳисоблайди.

Съезд Марказий Комитетга, область, шаҳар, район партия комитетларига, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар ва муассасалардаги бошланғич партия ташкилотларига республика партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларини ва барча меҳнаткашларни республика олдида турган қўйидаги энг зарур вазифаларни ҳеч сўзсиз бажаришга сафарбар қилишни таъминлашни топширади.

I. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳасида

1. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига республика Министрлар Советига, область, шаҳар, район партия комитетларига, область, шаҳар, район ижроия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашларига, министрликлар ва бошқармаларга партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми (1959 йил) тарихий қарорларига амал қилиб, оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш базасида, техникани узлуксиз тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини ошириб бориш негизида саноатнинг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш, юқори сифатли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг таннархини камайтириб боришни топширади.

Съезд етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистон маъмурий-иктисодий районларида ишлаб чиқаришнинг 1965 йилга мўлжалланган даражасига 1964 йилда етиб олиш юзасидан республика саноат корхоналари ва транспорт коллективлари олган социалистик мажбуриятни маъқуллайди.

Съезд етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш юзасидан Тошкент ва Иваново халқ хўжалиги кенгашлари корхоналари ва қурилишлари ўртасида социалистик мусобақанинг авж олиб кетганлигини маъқуллайди ва Марказий Комитетга, область, шаҳар ва район партия комитетларига 1960 йил планини ошириб бажариш учун корхоналар, қурилишлар, шаҳарлар, областлар ва иқтисодий районлар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юборишни топширади.

Съезд партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракатини, ихтирочилар ва рационализаторлар ҳаракатини тағин ҳам авж олдиришни, корхоналар ва қурилишларга олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришда, резерв ва имкониятлардан энг кўп фойдаланишда доимий ёрдам бериб туришни топширади.

2. Саноат, қурилиш ва транспортни ривожлантириш суръатини яна ҳам жадаллаштириш, етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш мақсадида съезд Ўзбекистон КП Марказий Комитетига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва район партия комитетларига қўйидагиларни топширади:

Қора ва рангли металлургияда — Беговот металлургия заводида 1960 йилда узлуксиз пўлат қуйиш установкасини ишга туширилсин, заводни табиий газ билан ишлашга кўчирилсин ва якин йиллар ичида асосий ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлашни тугалласин. Олчалиқ кўргошин-руҳ ва мис комбинатида янги қувватларни ўз вақтида ишга туширилсин, маъданлар қазиб чиқаришни яна ҳам кўпайтириш, комплекс қайта ишлашни кучайтирилсин, шунингдек рангли ва нодир металларни рудадан ажратиб олиш коэффициенти оширилсин, асосий ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштирилсин ва автоматлаштирилсин.

Плавиқ-шпат комбинатида мис рудасини саралаш технологиясини ўзлаштириш учун қатъий чоралар кўриш ва мис концентрати ишлаб чиқариш юзасидан 1960 йилга белгиланган топшириқни бажаришни таъминлансин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республикада Оҳангарон коалини негизида алюминий ва нодир металлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чораларини кўриш топширилсин.

Нефть ва газ саноатида — разведка ва пармалаш ишлари кучайтирилсин, ўзиюрар пармалаш установкалари жорий этилсин, электробур ёрдамида чуқур қудуқлар пармалашнинг янги прогрессив усули ўзлаштирилсин, нефть ва газнинг аниқланган запаси яна ҳам кўпайтирилсин, нефть ва газ чиқариш ҳамда қайта ишлаш суръати тезлаштирилсин; қатламлардаги босимни сусайтирмаслик усулини такомиллаштириш ва нефть чиқаришни ҳамда ташишни автоматлаш йўли билан нефть конлари ишининг самараси оширилсин. Фарғона нефть тозалаш заводининг қуввати оширилсин.

Газ қувурлари ётқизишни жадаллаштириб, саноат, коммунал корхоналари газ билан ишлашга кўчирилсин, уй-жой ва маиший биноларга ўз вақтида газ келтирилсин, ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ва маданиятини юксалтириш юзасидан зарур чоралар амалга оширилсин.

Кўмир саноатида — очиқ усулда кўмир чиқариш янада кўпайтирилсин, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш таъмин этилсин, яхши самара берадиган замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда кўмирни саралаш йўли билан сифати яхшилансин.

Рангли ва нодир металлардан комплекс фойдаланиш юзасидан зарур чоралар амалга оширилсин.

1965 йилда Оҳангарон кўмир разрезининг қуввати йилига 5 миллион тонна кўмир чиқарадиган ва Шаргун штольнялари 1961 йилда лойиҳала кўрсатилган қувват билан ишлайдиган, яъни йилига 500 минг тонна кўмир чиқарадиган даражага етказилсин.

Энергетика саноатида — янги қувватларни қуриш ва ишга туширишни ҳамда жадаллаштириш таъминлансин.

Оҳангарон, Навоий ва Тошкент ГРЭСлари қурилиши тезлаштирилсин. Оҳангарон ГРЭСининг қуввати 1962 йилда 600 минг киловаттга етказилсин. Тошкент ГРЭСи қурилиши 1961 йилда бошлансин ва 1965 йилгача бу станциянинг 50 процент қуввати ишга туширилсин. Тошкент — Самарқанд энергетика системаларини бир халқага туташтириш ишлари жадаллаштирилсин.

1963 йилда Тахиатош ГРЭСи қуввати 49 минг киловаттга етказилсин. Республика учун энергетика ва ирригация жиҳатидан аҳамиятли энг самарали гидроэлектростанциялар қуриш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилсин.

Икки йил мобайнида гидроэлектростанцияларни ҳамда ёқилғи билан ишлайдиган электростанциялардаги асосий жараёнларни автоматлаш ва йироқдан бошқаришга кўчириш тугалласин; электр тармоқларини кескин узайтириш чоралари кўрилсин. Ҳар бир областда қишлоқ хўжалигини электрлаштиришни тугаллашни тезлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига электр қувватини бутун чоралар билан жорий этиш юзасидан зарур тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг халқ хўжалигида электр қувватидан рационал фойдаланиш тўғрисидаги ҳатининг аҳамияти ғоят муҳим деб ҳисоблайди ва партия, совет хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун доимий ва астойдил кураш олиб боришни талаб қилади.

Кимё саноатида — КПСС Марказий Комитети май Пленуми ва партия XXI съезди қарорларини сўзсиз бажариш таъминлансин. минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ўз вақтида ишга туширилсин. Чирчиқ электр кимё комбинатини реконструкция қилиш тугалласин ва Фарғона, Навоий азотўғит заводлари қурилиши жадаллаштирилсин. Самарқанд ва Қўқон суперфосфат заводларини реконструкция қилиш тезлаштирилсин, шунингдек таъсирчан заҳарли дориворлар ва синтетик материаллар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Фарғона азотўғит заводи қуриб битказилсин ва биринчи навбати 1962 йилда, иккинчи навбати 1963 йилда ишга туширилсин. Навоий азот-ўғит заводи қурилиши 1961 йилда бошланиб, 1965 йилда тугалласин.

1960 йилда Чирчиқ электр кимё комбинатини табиий газни қабул қилишга ҳозирлаш таъминлансин ва карбоммид цехи 1962 йилда қуриб битказилсин.

Фарғона областида ацетат шойи заводини ва Бухоро областида нитрон тола заводини қуриш ва 1964-1965 йилларда ишга тушириш таъминлансин.

Машинасозликда — асосий ва ёрдамчи жараёнларни механизациялаш ҳамда автоматлаш, асбоб-ускуналарни алмаштириш ва модернизация қилиш, поток линияларни ғоят кўпайтириш йўли билан корхоналарни янада ихтисослаштиришга ва технология жараёнларини тубдан яхшилашга эришилсин. Деталларни иссиқ ҳолида штамповка қилиш, металл эритиш ва қуйишнинг прогрессив усуллари кенг қўлланилсин.

Машинасозлик саноатининг техникавий даражасини ошириш негизида пахтачиликни комплекс механизациялаш учун машина ва механизмлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Тошкент халқ хўжалиги кенгашининг етти йиллик мобайнида пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни 30 минг донадан 46 минг донагача кўпайтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советига шу миқдорда пахта териш машиналари ишлаб чиқариш тадбирларини кўриб чиқиш ва амалга оширишни юклатилсин.

Республика Госплани ва Тошкент халқ хўжалиги кенгашига 1960 йилда пахта териш машиналари чиқаришни анча кўпайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш юклатилсин.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларини тўла-тўкис реконструкция қилиш 1962 йилда тугаллансин. Етти йилликда пахтачиликка мослаштирилган 64,5 минг трактор ва ўзиюрар шассилар, 51 минг та пахта сеялкаси шу жумладан, уяга белгиланган миқдорда чигит ташлайдиган 41 минг сеялка ишлаб чиқарилсин. Шу сеялкалардан 8 мингтаси 1961 йилнинг эрта кўкламига етказиб берилсин; 52,6 минг та культиватор, пахтани қоп-қанорсиз ташишга 24 минг та прицеп ва пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялашга керакли бошқа машиналар ишлаб чиқарилсин. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахтачиликни комплекс механизациялашни тугаллаш тўғрисидаги қарорида белгиланган муддатларда ирригация машиналари комплексини ишлаб чиқариш таъминлансин.

1963 йилгача «Таштекстильмаш» заводи реконструкция қилинсин ва ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ҳамда автоматлаш негизида арқоқ машиналари ишлаб чиқаришни 1963 йилда йилига 1.300 донагача етказилсин.

Бинокорлик материаллари саноатида — янги қувватларни ўз вақтида ишга туширишга ва цемент, деворбоп, инерт ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришни қурилиш ҳамда халқ хўжалигининг бошқа эҳтиёжлари талаб этган миқдорда кўпайтирилсин.

Оҳангарон цемент заводи қурувчиларининг заводнинг йилига 450 минг тонна цемент ишлаб чиқарувчи биринчи технология линиясини муддатидан илгари — 1961 йилнинг иккинчи кварталида ва шунча қуввати бўлган иккинчи линияни 1961 йилнинг тўртинчи кварталида ишга тушириш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

Навоий цемент комбинати қурилиши 1962 йилда бошлансин ва биринчи навбати 1965 йилда ишга туширилсин.

Республика областларида 1960-1964 йилларда планда белгиланган ўн еттита уй қуриш заводини қуриб ўз вақтида ишга тушириш ҳамда Оҳангаронда уй жиҳозлари заводи ва кулолчилик комбинати қурилишини тугаллаб, уларни 1963—1965 йилларда ишга тушириш таъминлансин. Темир-бетон конструкциялари, деворбоп, иҳотабоп енгил ва ҳажми катта панеллар, том ёпиш плиталари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, механизациялаштирилсин ва автоматлаштирилсин; синтетик ва пластик материаллардан бинокорлик деталлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилсин; бинокорлик материаллари саноатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун қатъий чоралар кўрилсин.

Енгил саноатда — саноатнинг тўқимачилик шойи тўқиш, тикувчилик, чарм-пойафзал тармоқларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш таъминлансин.

Съезд Ўзбекистон КП Марказий Комитетига Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, маҳаллий партия ва совет ташкилотларига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Тўқимачилик саноатини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини муваффақиятли бажарилишини таъминлашни юклайди.

Наманганда штапель толадан шойи газлама чиқарадиган комбинатни ва Бухорода меланж комбинати қурилиши ва бу корхоналарнинг биринчи навбатини 1964 йилда ишга тушириш таъминлансин

1964 йилда Самарқандда камвол комбинати қуриб битказилсин ва ишга туширилсин.

Пахта тозалаш саноатида чигитдан тола ва момиқ ажратиб олиш кўпайтирилсин, қуритиш, тозалаш цехларининг қуввати оширилсин ва пахта толасининг сифати яхшилансин. Пахта заводларида ва тайёрлов пунктларида машинада терилган пахтани тўла қабул қиладиган тозалаш цехлари қуриш тезлатилсин.

Озиқ-овқат саноатида — ёғ заводларида чигитнинг ҳаммасини экстрация усулида қайта ишлаш таъминлансин, ишлаб чиқариш жараёнлари комплекс механизациялаштирилсин ва автоматлаштирилсин. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, сақлашда ва ташишда мўдан кенг фойдаланилсин. Қишлоқ хўжалик ходимларининг гўшт, сут ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган мажбуриятини хисобга олиб, бу маҳсулотларни қайта ишлашни кучайтириш ва гўшт, сут маҳсулотлари, сабзавот консервалари ва шарбатлари сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш таъминлансин.

Съезд Ўзбекистон КП Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мол ва парранда гўштини қайта ишлашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги ва «Картошка, маккажўхори, сабзавот, хўл мева ва узумдан тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда бу маҳсулотлар билан савдо қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган вазифаларни сўзсиз бажаришни таъминлашни юклайди.

Геология-разведка ишлари соҳасида — геология-разведка ишларининг суръати ва самараси оширилсин, газ, нефть, кимё ва саноатнинг бошқа тармоқлари ҳомашё базасини кенгайтириш мақсадида геология-разведка ишларида фаннинг энг янги ютуқларидан кўп фойдаланилсин, яйловларга сув чиқариш ва аҳоли яшайдиган жойларни сув билан таъминлаш мақсадида гидрогеология қидирувлари кучайтирилсин.

1965 йилгача республика территориясининг геологик съёмкалари тугалласин.

Қорақалпоғистон АССРдаги нефть ва газ запасларини аниқлаш юзасидан геология-разведка ишлари тезлаштирилсин.

Маҳаллий Советларга қарашли саноатда ва ҳунармандчилик кооперациясида — Маҳаллий ва кооператив саноати корхоналари яна ҳам мустаҳкамлансин, ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилсин ва автоматлаштирилсин, маҳсулотнинг сифати қатъиян яхшилансин.

Съезд Ўзбекистон КП Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, маҳаллий партия ва совет ташкилотларига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг сўзсиз бажарилишини таъминлашни юклайди.

Транспорт соҳасида — поездларни тузиш ва ажратишнинг замонавий усулларини жорий этиш таъминлансин, вагонлар оборoти 3,6 суткагача келтирилсин, механизация ва автоматизациядан фойдаланган ҳолда тепловозларнинг ҳар кеча-кундузда камида 550 километр йўл босишига эришилсин.

Автомобиль транспортида юк ташиш янада марказлаштирилсин, автомашиналардан фойдаланиш коэффициенти оширилсин. Пассажирларга хизмат кўрсатиш бутун чоралар билан яхшилансин. Янги йўлларни қуриш ва борларини ремонт қилиш комплекс механизациялаштирилсин ва ишларнинг сифати яхшилансин.

Темир йўл ва автомобиль транспортида, граждан авиациясида меҳнат интизоми яхшилансин ва хавфсизлик таъминлансин.

Алоқа воситалари соҳасида — алоқа воситаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, почта, телеграф, радио ва телевидение ишини яхшилаш, аҳолига яхши хизмат кўрсатиш таъминлансин. 1962 йилгача қишлоқларни ялпи радиолаштириш, 1966 йилда эса ялпи телефонлаштириш тугалласин.

3. Съезд етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йил планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада қизитиш ва авж олдиришни, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини доимий суратда ўрганиш ва умумлаштиришни, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш, барча корхоналарнинг бир меёрда ишлашини таъминлаш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириб бориш юзасидан кўриладиган тадбирларни амалга оширишга инженер-техник ходимлар, ишчилар, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларини кенг жалб этишни партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг биринчи навбатдаги вазифаси деб ҳисоблайди.

Съезд Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, халқ хўжалиги кенгашларига, министрликларга, бошқармаларга, корхоналарнинг раҳбарларига янги технология асбоб-ускуналарини ва шу хилдаги бошқа асбоб-ускуналарни ўз вақтида ишга туширишни таъминлашни, бошқа республикалардаги истеъмолчиларга маҳсулотларни ўз вақтида юбориб туриш устидан қаттиқ контроль ўрнатишни юклайди.

4. Съезд машина ва механизмлар вазнини енгиллаштириш, материал сарфлаш нормасини камайтириш, ишлаб чиқариш чиқитларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш йўли билан материаллар, айниқса рангли металлар сарфлашни энг кўп кисқартириш юзасидан белгиланган тадбирларни доимий суратда амалга ошириб боришни партия, совет хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

5. Съезд Ўзбекистон КП Марказий Комитетига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига илмий-тадқиқот, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотлари ишини яхшилашни, уларни моддий-техника базаси билан мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва республика Қишлоқ хўжалик академиясининг, илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртларининг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтиришни, уларнинг техникани тараққий эттиришда, автоматлаштириш ва механизациялаш ишларига актив қатнашишини таъминлашни юклайди. Илмий-тадқиқотлар ва тажрибавий-ишлаб чиқариш синовларини мувофиқлаштириш кучайтирилсин. фан, техника ва илғор тажриба ютуқлари халқ хўжалигига лазиз жорий этилсин.

6. Съезд Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотларига Ўзбекистон КП Марказий Комитети XV Пленумида белгиланган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишига эришишни ва қурилишларда индустриал методларни кенг жорий этиш энг муҳим вазифа эканлигини назарда тутиб капитал қурилишдаги қолоқликка қатъий барҳам беришни, қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини ҳар томонлама мустаҳкамлашни ва янги самарали материаллар, конструкцияларни тез жорий этишни юклайди. Бунинг учун:

а) капитал маблағларни жуда кўп объектларга чачиб юборишга, қурилиш муддатини орқага суриш ва қуриб битказилмаган объектларнинг кўпайиб кетишига қатъий хотима берилсин;

б) 1960 йилда камида 400 минг кубометр янги темир-бетон конструкциялар, шу жумладан, 30 минг кубометр олдиндан таранг қилинган арматурали темир-бетон ишлаб чиқариш ва 1965 йилда 950 минг кубометр темир-бетон, шу жумладан 230 минг кубометр олдиндан таранг қилинган арматурали темир-бетон ишлаб чиқариш таъминлансин.

в) 1960 йилда ер казиш ишларида комплекс механизация даражаси 95 процентгача ва 1965 йилда 97,5 процентгача етказилсин, бинокорлик конструкцияларини монтаж қилишда 1960 йилда 94 процент ва 1965 йилда 98 процент, бинокорлик конструкцияларини ортиш-туширишда 1960 йилда 90 процент ва 1965 йилда 92 процентга етказилсин.

г) лойиҳалаш ишлари яхшилансин ва конструкция ҳамда деталларнинг бинокорлик параметрларини унификация қилиш тартибга солинсин; қурилишда меҳнат унумдорлиги янада оширилсин ва қурилиш ишлари таннархи камайтирилсин.

Ҳисоб-китоб ишларида қаттиқ тартиб ўрнатиш, бинокорлик материалларини тўғри, тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан зарур чоралар кўрилсин. Қурилишлардаги барча меҳнаткашларни қурилиш ишларининг сифатли бўлиши ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш учун курашга жалб қилинсин.

7. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика Министрлар Советига саноат, транспорт ва қурилишларга энг кўп керак бўладиган ихтисослардаги кадрларни тайёрлашни яхшилаш учун амалий чоралар кўришни ва бунда маҳаллий миллат вакилларидан малакали ишчилар тайёрлашга кўпроқ эътибор беришни юклайди. Саноат корхоналарида ва қурилишларда техникани муваффақиятли ўзлаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга тўсиқ бўлиб турган ишчи қўнимсизлигига барҳам берилсин. Ишчилар учун иш жойларида маданий-маиший шароитни яхшилашга гамхўрлик қилинсин.

Съезд инженер-техник ходимлар малакасини ошириш, уларнинг фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ўрганиб олишлари бундан буён халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантиришнинг энг муҳим шарти деб ҳисоблайди. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, область ва шаҳар партия комитетларига бу соҳада зарур чораларни амалга оширишни топширади.

II. Қишлоқ хўжалиги соҳасида

1. Съезд республика партия ташкилотлари зиммасига ўзининг кишлоқдаги бутун ташкилотчилик ишини колхозчиларнинг, кишлоқ хўжалигидаги ишчилар ва мутахассисларнинг активлигини ва ижодий ташаббусини ривожлантириш, кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги новаторларнинг тажрибасини кенг қўллаб-қувватлаб оммалаштириш, ҳар бир колхоз ва ҳар бир совхозда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд резервларни ишга солиш вазифасини юклайди.

Илғор колхозлар ва совхозлар ташаббуси билан бошланган умумхалқ ҳаракати негизида социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб, ҳар бир бригада, ҳар бир ферма, ҳар бир колхоз ва ҳар бир совхозда пахта, гўшт, сут, жун, тухум, сабзавот, картошка ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан етти йиллик план топшириқларининг муддатидан илгари бажарилиши таъминлансин.

Съезд партия XXI съезди қарорлари асосида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми томонидан кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини, хусусан, унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни кескин даражада юксалтириш юзасид

Ўзбекистон Коммунистик партияси XV съездининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ракатни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва кенг оммалаштириш вазифасини юклайди.

2. Съезд партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь (1959 йил) Пленуми қарорларига биноан деҳқончилик соҳасидаги асосий вазифа пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишдан иборат деб ҳисоблайди.

Съезд партия ташкилотлари зиммасига ташкилотчилик ишини ана шу асосий вазифани ҳал қилишга ва техника тараққиёти, суғориладиган деҳқончилик маданиятини ошириш, илғорлар тажрибасидан ва фан муваффақиятларидан кенг фойдаланиш, селекция—уруғчилик ишларини кескин даражада яхшилаш, вильтга ва ғўзанинг бошқа касалликлари ҳамда зараркунандаларига қарши кураш ишини астойдил амалга ошириш негизида 1960 йилда гектаридан олинадиган пахта ҳосилдорлиги камида 24 центнер бўлишини таъминлаш ва давлатга камида 3170 минг тонна пахта сотишга қаратиш вазифасини юклайди.

3. Съезд КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахтачиликда техника тараққиётининг улуғвор программасини белгилаб берган «Пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялашни таъминлаш чоралари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети белгиланган тадбирларни маъқуллайди.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш масалаларини ҳал қилиш ҳамма жойда меҳнатни ташкил қилишнинг янги формаси—комплекс механизация бригадалари тузиш йўлидан бориш керак. Чигитни ўзга белгиланган миқдорда экиш, суғоришни ва ҳозирги вақтда механизациялаштирилмаган кўпгина ёрдамчи бошқа ишларни механизациялаш сингари муҳим агротехника тадбирлари кенг амалга оширилсин.

Пахтачилик ишларини комплекс механизациялаш вазифаларини ҳал қилишнинг асосий звеноси пахтани машинада териб олишдан иборатдир. Съезд барча партия ташкилотлари, барча коммунистлар зиммасига пахта териш машиналаридан фойдаланишда ҳар қандай ўжарлик ва консерватизм кўринишларига қарши кескин кураш, колхозчиларни ва совхоз ишчиларини пахта теримини механизациялаштириш юзасидан партия томонидан берилган топшириқларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш вазифасини юклайди.

Пахта йиғим-теримига ўқувчиларни, студентларни ва солдатларни жалб қилишдан шу йилнинг ўзидаёқ воз кечиш учун 1960 йилда 500 минг тонна пахтани машинада териш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши таъминлансин.

Съезд маҳсулот таннархини пасайтириш ва маҳсулотларни етиштиришга кетадиган меҳнат харажатларини камайтиришга таяниб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархини камайтириш тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида киритилган таклифни маъқуллайди.

4. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш, колхоз ва совхоз фермаларидаги барча турдаги моллар ва паррандалар сонини кескин даражада кўпайтириш, моллар наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш, сунъий қочиришни кенг жорий қилиш ва чорвачиликдаги бошқа прогрессив усулларни кенг қўлланишни таъминлаш ҳамда шу асосда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига гўшт, сут, ёғ, жун, тухум ва қоракўл тери етиштиришни кескин даражада кўпайтиришга эришиш, шунингдек ана шу маҳсулотларнинг таннархини анча камайтириш вазифасини юклайди.

Фермаларни сув билан таъминлаш, молларни суғориш, сигирларни соғиш, ем-ҳашак бериш, молхоналардаги гўнгни чиқариш, қўйларнинг жунини қиркиш, яйловларга сув чиқариш, шунингдек силос бостириш ва озуқани қайта ишлаш сингари чорвачилик фермаларида кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашни ва электрлаштиришни таъминлаш—партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Маккажўхори, оқжўхори ва беда ҳосилдорлигини кескин даражада ошириш ва бу экинлар экиладиган майдонларни кенгайтириш, такрор ва аралаштириб экиладиган майдонларни ҳар томонлама кенгайтириш, пахтачиликдаги чиқиндилардан тўйимли озуқаларни кўпайтириш ва сифатини яхшилашни топширади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг аҳолига маиший-хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисидаги қарори сўзсиз бажарилиши таъминлансин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, маҳаллий партия ва совет органларига, Ўзбекистон касаба союзлари советига ва халқ хўжалиги кенгашларига ишчиларни ҳамда хизматчиларни қисқартирилган иш кунига ўтказиш ва корхоналарда ҳамда муассасаларда иш ҳақини тартибга солиш юзасидан зарур иш олиб бориш топширилсин.

3. Съезд партия, совет ва хўжалиқ органларидан товар оборотини мунтазам кўпайтириб бориш, магазинлар, дўканлар, жамоат овқатланиш корхоналари тармоғини кенгайтириш, совет савдоси маданиятини ошириш тадбирларини кўришни талаб этади. Савдо ташкилотларининг аҳолининг молларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш иши тубдан яхшилансин, хилма-хил молларнинг областларга, шаҳарларга ва районларга иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда тарқатилиши ва аҳолига халқ истеъмол қиладиган зарур буюмлар тинмай етказиб турилиши таъминлансин.

4. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ҳамда область, шаҳар ва район ижроия комитетлари зиммасига аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш тадбирларини кўриш юклатилсин. Юқумли касалликларни тугатиш устида сабот билан иш олиб борилсин, идоралардан бўшаган маъмурий биноларни даволаш ва болалар муассасалари ихтиёрига бериш ҳамда қишлоқ хўжалик артелларининг маблағлари ҳисобига колхозлар ва колхозлараро медицина муассасаларя қуриш давом эттирилсин. Шаҳарларни, аҳоли яшайдиган пунктларни, саноат корхоналарини ва муассасаларни санитария жиҳатидан обод қилиш кучайтирилсин, бу ишга жамоат ташкилотлари ва республиканинг бутун аҳолиси жалб этилсин.

Инвалид уйлари, социал таъминот системасидаги ўқувишлаб чиқариш корхоналари ва ўқув муассасаларининг иши яхшилансин.

Республикада жисмоний тарбияга ва спортга раҳбарлик кучайтирилсин, физкультурачиларнинг ўз спорт маҳоратларини оширишлари учун қулай шарт-шароит яратиб берилсин. Шунга эришмоқ керакки, жисмоний тарбия ишлаб чиқаришда ҳамда совет кишиларининг ҳаётида муҳим ўрин эгалласин.

5. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, область, шаҳар ва район партия комитетларига Ички ишлар министрлиги органларига, прокуратура ва судларга раҳбарлик қилишни кучайтириш топширилсин. Социалистик қонунчиликни бузувчиларга қарши жамоат таъсирини кўрсатиш формалари кенг қўлланилсин, совет қонунчилигини янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва жиноятга қарши курашни кучайтириш юзасидан ҳамма тадбирлар кўрилсин.

III. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада ошириш соҳасида

1. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотларига уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва маданий қурилишга, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга, халқ хўжалиги кенгашлари, маҳаллий ва кооператив саноати корхоналарининг имкониятларидан энг кўп даражада тўла фойдаланиш тадбирларини кўришга эътиборни кучайтиришни, халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва сифатини яхшилашни топширади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг аҳолига маиший-хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисидаги қарори сўзсиз бажарилиши таъминлансин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, маҳаллий партия ва совет органларига, Ўзбекистон касаба союзлари советига ва халқ хўжалиги кенгашларига ишчиларни ҳамда хизматчиларни қисқартирилган иш кунига ўтказиш ва корхоналарда ҳамда муассасаларда иш ҳақини тартибга солиш юзасидан зарур иш олиб бориш топширилсин.

3. Съезд партия, совет ва хўжалиқ органларидан товар оборотини мунтазам кўпайтириб бориш, магазинлар, дўканлар, жамоат овқатланиш корхоналари тармоғини кенгайтириш, совет савдоси маданиятини ошириш тадбирларини кўришни талаб этади. Савдо ташкилотларининг аҳолининг молларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш иши тубдан яхшилансин, хилма-хил молларнинг областларга, шаҳарларга ва районларга иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда тарқатилиши ва аҳолига халқ истеъмол қиладиган зарур буюмлар тинмай етказиб турилиши таъминлансин.

4. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ҳамда область, шаҳар ва район ижроия комитетлари зиммасига аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш тадбирларини кўриш юклатилсин. Юқумли касалликларни тугатиш устида сабот билан иш олиб борилсин, идоралардан бўшаган маъмурий биноларни даволаш ва болалар муассасалари ихтиёрига бериш ҳамда қишлоқ хўжалик артелларининг маблағлари ҳисобига колхозлар ва колхозлараро медицина муассасаларя қуриш давом эттирилсин. Шаҳарларни, аҳоли яшайдиган пунктларни, саноат корхоналарини ва муассасаларни санитария жиҳатидан обод қилиш кучайтирилсин, бу ишга жамоат ташкилотлари ва республиканинг бутун аҳолиси жалб этилсин.

Инвалид уйлари, социал таъминот системасидаги ўқувишлаб чиқариш корхоналари ва ўқув муассасаларининг иши яхшилансин.

Республикада жисмоний тарбияга ва спортга раҳбарлик кучайтирилсин, физкультурачиларнинг ўз спорт маҳоратларини оширишлари учун қулай шарт-шароит яратиб берилсин. Шунга эришмоқ керакки, жисмоний тарбия ишлаб чиқаришда ҳамда совет кишиларининг ҳаётида муҳим ўрин эгалласин.

5. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, область, шаҳар ва район партия комитетларига Ички ишлар министрлиги органларига, прокуратура ва судларга раҳбарлик қилишни кучайтириш топширилсин. Социалистик қонунчиликни бузувчиларга қарши жамоат таъсирини кўрсатиш формалари кенг қўлланилсин, совет қонунчилигини янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва жиноятга қарши курашни кучайтириш юзасидан ҳамма тадбирлар кўрилсин.

IV. Идеология ишлари соҳасида

1. Съезд меҳнаткашларни марксча-ленинча идеология руҳида, Коммунистик партияга битмас-туганмас садоқат ва халққа ҳалол хизмат қилиш руҳида, коллективизм ва меҳнатсеварлик, янги жамият аҳлоқининг юксак принциплари руҳида коммунистик тарбиялаш ишини янада кучайтириш республика партия ташкилотининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Меҳнаткашларда СССРнинг оламшумул тарихий муваффақиятларидан, Ватанимизнинг ҳозирги гўзал ҳаёти ва бундан кейинги ажойиб истиқболи билан қонуний равишда бениҳоя фахрланиш туйғулари кучайтирилсин.

2. Партия ташкилотлари меҳнаткашларни социалистик интернационализм, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги, халқларнинг бузилмас дўстлиги руҳида тинмай тарбиялаб боришлари лозим. Коммунистик партиянинг ленинча доно сиёсати тантанасини, бу туфайли Совет Иттифоқининг барча халқлари ўз сиёсий, хўжалик ва маданий тараққиётида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришганлигини ёрқин, ишонарли мисоллар билан кўрсатиш лозим.

Буржуа идеологияси, сиёсатдан узоқлашиш, миллий қобиққа ўралиб қолиш, маҳаллийчилик кўринишларига ҳамда ўтмишнинг айрим кишилар онгидаги бошқа сарқитларига қарши муросасиз кураш олиб бормоқ зарур.

3. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетларига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съездининг тарихий қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори асосида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини янада кучайтирилишини таъминлашни, партия пропагандаси, оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишининг аҳоли ўртасида тарбиявий таъсир кучини доимо ошириб бориши, бу ишни ҳаёт билан, практика билан ва коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан, меҳнаткашларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлаб олиб боришни топширади.

Республика партия ташкилотлари пропаганда иши доирасини тинмай кенгайтириб боришлари, бу ишни кенг қўламда олиб боришлари, унинг ғоявий савиясини оширишлари ва уни оммабоп, равон қилишлари шарт; партия маорифи системасининг иши жиддий суратда яхшилансин, машғулотларнинг мазмуни чуқур ўрганилсин, пропагандист кадрларни танлаш ва тарбиялаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилинсин, уларга кун сайин назарий ва методик ёрдам кўрсатиб турилсин.

4. Съезд сиёсий агитация савиясини ошириш, уни аҳолининг ҳамма табақалари орасида, ёши, миллати, маълумоти ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш формалари ҳамда методларини такомиллаштириш Марказий Комитетнинг, область, шаҳар ва район партия комитетларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Агитаторлар билан ишлашни тинмай яхшилаб бориш, уларни ҳар бир меҳнаткаш қалбига таъсир этиш ҳамда меҳнаткашларни оташин большевик сўзи, шахсий намуна кўрсатиш йўли билан оммани меҳнатда қаҳрамонликларга илҳомлантиришга ўргатиш зарур.

Хотин-қизлар орасида сиёсий-тарбиявий ишни сабот билан яхшилаб бориш, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга ва жамият ҳаётида қатнашишга кенг жалб этиш, хотин-қизларнинг маданий-маиший шароитлари тўғрисида узлуксиз ғамхўрлик қилиб туриш лозим. Хотин-қизларни партия, совет, комсомол, касаба союз ва хўжалик ишлари раҳбарлигига дадил кўтариш керак.

5. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, область, шаҳар ва район комитетларига матбуот, радио, телевидение ва нашриётга, аҳоли ўртасида матбуотни тарқатишга раҳбарликни яхшилашни топширади; газета ва журналларнинг, радио ва телевидение эшиттиришларининг ғоявий мазмуни янада яхшиланиши таъминлансин, улар яна ҳам маҳоратли ва оммабоп қилинсин, шу орқали улар ҳаётга актив аралашадиган ва коммунистик қурилиш ҳамда меҳнаткашларни тарбиялашнинг конкрет вазифаларини ҳал этишда партияга фаол ёрдам берадиган бўлсин.

6. Республика партия ташкилотлари ижодий союзлар ва ташкилотларнинг фаолиятини кучайтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари лозим. Ўз ижодларини ғоявий-бадиий жиҳатдан яна ҳам юқори кўтариш, ҳамма вақт халқнинг ичида бўлиш ва унинг ҳаёти билан чамбарчас боғланиб яшаш, совет кишиларининг қаҳрамонликларини муносиб акс эттирадиган ёрқин, ҳаяжонлантирувчи асарлар яратиш ёзувчиларнинг, санъат арбобларининг, барча ижодий ходимларнинг ватанпарварлик бурчидир.

7. Съезд «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш республика партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Умумий мажбурий таълим ёшидаги болаларнинг ҳаммасини мактабга тўла тортилишига алоҳида эътибор бермоқ зарур; ўқувчиларнинг мактабни ташлаб кетишларига йўл қўйилмасин, профессионал таълим даражаси оширилсин. Партия ташкилотлари мактабларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш, мактаблар қурилиш суръатини кучайтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишлари лозим; маъмурий биноларни ва бошқа биноларни мактабларга бўшатиб бериш ишини давом эттириш лозим, токи 1960 йилда республиканинг ҳамма мактабларида машғулотлар тамомила бир сменада ўтказиладиган бўлсин.

Интернат-мактаблар тармоғини кенгайтириш ва ишини яхшилашга доимий эътибор берилсин. Ана шундай мактаблар учун энг яхши биноларни ажратилсин ва янги биноларни қурилиши кенгайтирилсин.

Ўқитувчиларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишини кучайтирилсин. Уларга ўз педагогик маҳоратларини такомиллаштиришларида ҳар тарафлама ёрдам берилсин.

8. Съезд республика партия ташкилотлари зиммасига олий ва махсус ўрта ўқув юртларида халқ хўжалигининг хилма-хил тармокларига керакли мутахассис кадрлар тайёрлашни яхшилашни юклайди: фанларни, хусусан ижтимоий фанларни ўқитиш савиясининг тинмай кучайтирилишига эришилсин; студентларнинг ишлаб чиқариш таълими масалалари билан жиддий шуғулланилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига мутахассислар тайёрлашни республиканинг ана шундай кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда планлаштиришнинг яхшиланишини таъминлаш топширилсин. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг тармоқлари ва ҳамда ихтисосларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш, уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш базаларини мустаҳкамлаш иши давом эттирилсин, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртдан ўқиш ва кечки ўқув юртларида таълим олишни бир мунча кенгайтириш тадбирлари кўрилсин, студентларга ғоявий тарбия бериш кучайтирилсин, токи халқ хўжалиги юксак коммунистик онглилик руҳида тарбияланган юқори малакали мутахассис кадрларга ҳамиша эга бўлиб турсин.

9. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети зиммасига илмий-текшириш муассасалари ишида мавжуд бўлган камчиликларни тугатиш, уларни илмий проблемаларни ҳозирги замон талабларига яраша ҳал қилишга қодир бўлган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш тадбирларини кўришни юклайди. Техника, физика-математика, кимё, биология, қишлоқ хўжалик фанлари соҳасида катта илмий проблемалар ва хусусан пахтачиликни юксалтиришнинг туб проблемалари ишлаб чиқилишини, шунингдек ижтимоий фанлар ва бошқа фанларни янада ривожлантиришнинг таъминлаш республика олимларининг ватанпарварлик бурчидир.

V. Партиявий-ташкилий ишлар соҳасида

1. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район комитетлари зиммасига ташкилий ишлар савиясини янада юқори кўтариб, коммунистларнинг, комсомолларнинг, шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратини республика халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш етти йиллик планини муддатидан илгари бажаришга сафарбар қилиш юклатилсин. Шу мақсадда қуйидагилар амалга оширилсин:

а) бошлангич партия ташкилотларига раҳбарлик яхшилансин, меҳнаткашлар орасида оммавий-сиёсий ишни олиб боришларида уларга амалий ёрдам кўрсатилсин, ҳар бир корхонадаги, қурилишдаги, совхоздаги, колхоздаги ва РТСдаги иш аҳволи учун уларнинг роли ва жавобгарлиги оширилсин; область, шаҳар ва район партия комитетлари бюроларида бошлангич партия ташкилотларининг ҳисоботлари мунтазам тинглаб турилсин ҳамда ишлаги мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан шошилинч тадбирлар кўрилсин; бошлангич партия ташкилотларининг секретарлари билан иш олиб боришга кўпроқ эътибор берилсин, уларга партиявий раҳбарлик санъати ўргатилсин;

б) партияга қабул қилиш ишининг яхшиланиши таъминлансин, партия сафига илғор ишчилар, механизаторлар ва колхозчилар қатъий тартиб асосида якка-якка қабул қилинсин. Ёш коммунистлар билан ишлаш савиясини тинмай юксалтириб бориш, уларни бошлангич партия ташкилотлари ишида актив қатнашишга жалб этиш, уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини узлуксиз ошириб бориш зарур.

Шунга эришилсинки, коммунистларнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларида бўлсин, ҳамма коммунистлар партиясиз оммани нинг чинакам етакчилари бўлсин.

2. Марказий Комитет ва барча партия комитетлари зиммасига халқ хўжалиги ҳамда маданий қурилишга партиявий раҳбарлик қилиш услублари ва методларини доимо такомиллаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

Жонли ташкилий иш олиб бориш — оммани уюштириш, оммага таъсир ўтказиш, юқори органлар ва ўзлари чиқарган қарорлар ижросини контроль қилиб текшириб туриш, Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари бюролари ишида коллегиалчиликка қатъий риоя қилиш, партия ички демократиясини, танқид ва ўз-ўзини танқидни, хусусан қуйидан бўладиган танқидни авж олдириш партия комитетлари фаолиятида асосий иш бўлиши лозим.

Партия комитетларига партия ташкилотларининг маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан контроль қилиш ҳуқуқини амалга оширадиган комиссиялар фаолиятини яхшилаш, меҳнатнинг илғор методларини кенг қўлланиш, ишлаб чиқаришнинг механизациялаштирилиш ва маҳсулот единицасини ишлаб чиқаришга бўладиган моддий ва меҳнат сарфларини камайтириш тадбирларини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш топширилсин.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини яхшилаш, ходимларни уларнинг сиёсий етуклигига ва ишчанлигига, амалий ишда ҳосил қилган натижаларига, ташкилотчилик қобилиятларига ва билимларига қараб танлаш вазифаси юклатилсин; ўзларига топширилган ишни эплолмайдиган ходимларнинг қатъиян баҳридан кечиш зарур. Уларнинг ўрнига саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги муносиб ходимлар, билимдон мутахассислар, оммани конкрет вазифаларни ҳал қилишга бошлаб боришга қодир бўлган яхши ташкилотчиларни қўйиш лозим. Кадрлар резервини яратиш иши кучайтирилсин, шунга эришилсинки, район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, корхоналарнинг, совхозларнинг директорлари ва бошқа совет, хўжалик, кооператив ташкилотларининг раҳбарлари лавозимларида ўсадиган кишилар, янада масъулиятли ишга кўтариш учун ҳақиқатан ҳам резерв бўлаоладиган кишилар ишласин.

Кадрларни бундан буён ҳам ҳалоллик, камтаринлик, топширилган ишга сидқидил қараш партия ва давлат интизомига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш партия комитетларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин; ишларда планларнинг ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун юксак жавобгарлик туйғулари кучайтирилсин. Шу билан бирга айрим ходимлар томонидан бўладиган кибрланиб кетиш, мансабпарастлик, давлатни алдаш ҳолларига, маҳаллийчилик тенденцияларига ва текин даромад қилишга интилишларга қарши муросасиз кураш олиб бориш лозим.

Съезд партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг эътиборини КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг СССР Олий Совети IV сессияси Совет Қуролли Кучларини камайтириш тўғрисида қабул қилган қонунга мувофиқ запасга чиқиб кетаётган жангчиларни кутиб олиш, иш билан таъминлаш ва маиший қулайлик яратиб бериш ҳақидаги қарорини сўзсиз бажаришга жалб этади.

4. Съезд маҳаллий Советлар ва уларнинг депутатлари ролини ҳамда активлигини янада кучайтириш, уларга ишда амалий ёрдам кўрсатиш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Советларнинг сессиялари мунтазам чақириб турилишини ва уларда саноат, қишлоқ хўжалиги тараққиётига доир актуал масалалар кўрилишини, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашни таъминлаш зарур.

Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда, давлат аппаратининг барча звеноларида интизомни мустаҳкамлашда яна ҳам кўпроқ ташаббус кўрсатмоқларига эришишлари лозим.

5. Партия комитетларидан касаба союз ташкилотларига раҳбарликни кучайтириш талаб қилинсин, шунга эришмоқ керакки, ҳамма касаба союз ташкилотлари экономика ва маданият соҳасида кўндаланг бўлиб турган вазифаларнинг ҳал этилишини амалда таъминлайдиган бўлсинлар.

Касаба союз ташкилотлари ишчиларни ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этишлари, социалистик мусобақани ижодий тарзда уюштиришлари, ишлаб чиқариш кенгашларини мунтазам ўтказиб туришлари, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари, рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатини кенгайтиришлари, илмий-техника жамиятлари фаолиятини активлаштиришлари, уй-жой ва маданий-маиший қурилишнинг ғоят катта программасини бажаришда бевосита қатнашишлари лозим. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашни кучайтириш, соғлом турмуш пропагандасини кенг ёйиш, оммани совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш касаба союз ташкилотларининг бурчидир.

6. Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотлари зиммасига комсомол ташкилотларига кун сайин раҳбарлик қилиб туриш, уларга комсомолларни ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини яхшилашда ҳар томонлама ёрдамлашиш, ёш ватанпарварларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ҳар тарафлама ривожлантириш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишга кенг жалб қилиш вазифаси юклатилсин. Комсомол ва ёшлар қурилиш ташкилотларига ҳамда колхоз ва совхозлардаги чорвачилик фермаларига кўпроқ юборилсин.

Съезд энг муҳим объектлар қурилишини, паррандачиликни, чўчқачиликни ва маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришни ўз оталигига олган республика комсомол ташкилотларининг ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

* * *

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XV съезди республика партия ташкилоти Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети теварагига ўз кучларини янада маҳкам жипслаштиради ва СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик плани ва КПСС XXI съездининг тарихий қарорларида белгилаб берилган ва республика олдида турган улуғвор вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига эришади деб қатъий ишонч билдиради.

Совет-Ҳиндистон қўшма ахбороти

Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 1960 йил 11 февралдан 16 февралгача визит билан Ҳиндистонда бўлди. Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Маданият министри Н. А. Михайлов, Министрлар Советининг Чет эллар билан маданий алоқалар Давлат комитети раиси Г. А. Жуков, Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раиси С. А. Скачков, СССР Олий Совети депутати Т. Ў. Ўлжабоев, Озарбайжон ССР Ташқи ишлар министри Т. А. Тоирова, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегиясининг аъзоси А. М. Марков, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Н. А. Бенедиктов Н. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўлдилар.

Деҳлида, шунингдек Н. С. Хрушчев борган бошқа жойларда халқ уни самимий, дўстона кутиб олди. Умумий руҳ кўтаринкилиги ана шу самимий, дўстона кутиб олишнинг муҳим хусусиятидир. Ана шу эзгу ният намойиши тинчлик иши йўлида садоқат билан меҳнат қилаётган жаҳоншумул давлат арбобига бўлган ҳурматнинг ифодаси, шу билан бирга, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ва шу ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги мавжуд саодатли муносабатларнинг ифодаси ҳамдир.

Н. С. Хрушчев Деҳлида бўлган вақтида Ҳиндистон парламенти аъзолари ўртасида нутқ сўзлади, жаҳон қишлоқ хўжалик виставкасини бориб кўрди, Деҳли шаҳри аҳолиси томонидан ўз шарафига ўтказилган митингда, шунингдек жамоатчилик йўли билан кўрилган бошқа тадбирларда қатнашди. Кейинчалик у, Суратгарх ва Бхилаида бўлди. Суратгарх қишлоқ хўжалиги соҳасида, Бхилаи эса саноат соҳасида Ҳиндистон-Совет ҳамкорлигининг символидир. Ана шу икки корхонанинг муваффақияти ҳар иккала мамлакатни мамнун қилдиган воситa бўлиб, улар ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг яна давом эттирилишидан яхши далолат беради. Н. С. Хрушчев ана шу икки визит натижасида ҳозирги вақтда Ҳиндистон амалга ошириш билан банд бўлган вазифаларнинг буюклиги тўғрисида ва Ҳиндистоннинг ўз тараққиёти планларининг яқин даврга мўлжалланган мақсадларига эришиш сари олға ҳаракат қилиб бориш суръатлари тўғрисида равшан тасаввур ҳосил қилди.

Н. С. Хрушчев Ҳиндистон президенти, вице-президенти, бош министри билан ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан учрашди ҳамда суҳбат қилди. Унинг бош министр билан қилган ва самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатларида халқаро муносабатларга таллуқли кўп масалаларга, шунингдек ҳар иккала мамлакатни қизиқтираётган конкрет масалаларга тўхталиб ўтилди.

Ҳар иккала бош министр зўр мамнуният билан шуни қайд қилдиларки, кейинги вақтларда халқаро вазиятда халқаро кескинликни анча юмшатишга олиб келган хайрли силжишлар рўй берди. Буюк давлатлар раҳбарларининг, хусусан СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрнинг шахсан ташаббус кўрсатганликлари ва биргаликда зўр бериб ҳаракат қилганликлари туфайли, кескинликнинг юмшашуви учун кўп жиҳатдан имконият туғилди. Улар ўртасида ўрнатилган ва бир-бирларига визит билан бориш натижасида мустаҳкамланаётган шахсий алоқалар халқаро миқёсдаги ҳамжиҳатликни яхшилашда муҳим омил бўлди ҳамда СССР, АҚШ, Англия ва Франция раҳбар давлат арбобларининг шу йил май ойида энг юксак доирада учрашувини ўтказиш тўғрисида бамаслаҳат бир қарорга келишга ёрдам берди, ҳамма буни табрикламоқда. Барча тинчликсевар кишиларнинг умиди ҳозир ана шу учрашув билан ва шу каби учрашувлар билан боғланган ва кишилар буюк давлатлар раҳбарларининг зўр бериб қилаётган ҳаракатлари тўлиқ муваффақият билан тугалланишини асТойдил истайдилар. Ҳиндистон ўзининг яхши ниятла эканлигини ва тинчлик йўлида доимо ҳамда узоқ вақт мобайнида қилинадиган ана шу ҳаракатларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни сидқидил билан изҳор қилади.

Ҳиндистон бош министри Н. С. Хрушчевнинг ёппасига қуролсизланиш тўғрисидаги таклифларига юксак баҳо берганлигини яна такрорлади.

Ҳиндистоннинг назарида бу таклифлар аслида халқаро проблемаларни ҳал этишда куч ишлатмаслик принципини амалга оширишга қилинган даъватдир. Бу таклифлар барча мамлакатларда ва хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилотида катта қизиқиш туғдирди. Бу қизиқиш кишининг маънавий туйғуларини анчайин акс эттирибгина қолмай, балки ядро уруши хавфи борлиги аниқ-равшан тушунилганлигини ҳам ифода этади. Ҳар иккала бош министр термоядро қуроли ва бошқа хиллаги яппи қирғин воситаларини тақиқлаш тўғрисидаги ўз позицияларини яна бир марта таъкидладилар. Улар буюк давлатлар резолюциянинг руҳига мувофиқ ва шу резолюция асосида биринчи қаламни қўйишлар, яъни ядро қуроли синовларини тўхтатадилар, деб умид қилганликларини ҳам билдирдилар. Бош Ассамблеянинг кейинги сессиясида Ҳиндистон ана шу резолюцияни киритиш шарафига муяссар бўлган эди. Ядро қуролигина эмас, балки қурол-яроғларнинг олдий турлари ҳам тараққиёт йўлида инсониятга халақит берадиган жиддий говдир. Ҳиндистон Совет Иттифоқида яқин ўтмишда қуролли кучлар қисқартирилганидан кейин яна яқинда қуролли кучларнинг қисқартирилганлигига инсониятнинг қиличларни чўкичлаб плуглар ясаш тўғрисида асрлар бўйи орзу қилиб келган тилакларини амалга оширишга қўшилган муҳим ҳисса, деб баҳо берди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бош министр Ж. Неру ва Ҳиндистоннинг бошқа давлат арбоблари билан қилган суҳбатларида Ҳиндистоннинг бетарафлик ва ҳарбий иттифоқларда қатнашмаслиқ сиёсатига юксак баҳо берди. Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқида ана шу сиёсатга зўр ҳурмат билан қаралмоқда, деб таъкидлади. Совет ҳукумати шунга аминдирки, Ҳиндистон ва шахсан унинг бош министри Ж. Неру бундай сиёсатни ўтказиш билан бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшадилар. Н. С. Хрушчев Ҳиндистон ҳукумати ва халқининг бу сиёсатни ўтказишда муваффақиятларга эришувини тилади ва Совет Иттифоқи ҳамда Ҳиндистоннинг тинчлик йўлида биргаликда кураш олиб бориши бундан буён ҳам халқаро кескинликни юмшатишга ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган муҳим омил бўлади, деб таъкидлади.

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг ўзаро муносабатлари илгари ҳеч қачон дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳозирги вақтдагидек мустаҳкам асосига таянмаган эди. Уларнинг тинч-тотув яшаш принципларига содиқлиги ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ишига ёрдам беришга ўзаро қатъий бел боғлаганликлари уларни бир-бирига яқинлаштирди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳамда бу ташкилотдан ташқарида ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш доирасини анча кенгайтирди. Ҳар иккала мамлакат шундай фикрни изҳор қиладики, дунё уруш хавфидан халос бўлмаса ва мустаҳкам тинчлик асослари яратилмаса, у ҳолда, ҳозирги вақтда фан ва техника соҳасида эришилган ажойиб тараққиёт (Совет Иттифоқи бу соҳада етакчи ўрин эгаллади) инсониятга кам фойда келтиради. Қуролсизланиш, халқлар ўртасидаги дўстлик, узоқ вақт қашшоқлик ва қолоқлик натижасида азоб чекиб келган районларнинг тез ривожланиши,— ана шундай омилларгина уруш бошлаб юборишни ҳақиқатан ҳам қийинлаштирмоқда. Бош министрлар ўз мамлакатлари инсоният тинч тараққиётининг истиқболлари кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган шарт-шароитни вужудга келтириш ишига энг кўп ҳисса қўшишга интилаётганлигини зўр ишонч билан баён қилдилар.

Бош министрлар шу нарсани хурсандчилик билан қайд қилдиларки, ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатлар ҳам кўп даража мустаҳкамланди. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ва техника ҳамкорлиги анча кўп қурилишларни ўз ичига олади: Бхилаи металлургия заводи ишга туширилди ва унинг дастлабки ишлаб чиқариш қуввати ҳозирги вақтда икки баравардан зиёд кўпайтирилмоқда. Ранчидаги машинасозлик заводи, Нейвелидаги электростанция, Корбадаги конлар, Бараунидаги 2 миллион тонна нефть тозалаб чиқарадиган завод, нефтни разведка қилиш ва ҳоказолар ана шундай қурилишлар жумласидандир.

Совет Иттифоқи илгари берилган кредитга қўшимча равишда яқинда Ҳиндистонга 1,5 миллиард сўм миқдорида яна кредит берди.

Н. С. Хрушчев Деҳлида бўлган вақтида учинчи беш йиллик планга киритиладиган йирик иншоотларни қуриш учун ана шу кредитдан фойдаланиш тўғрисидаги битим имзоланди. Икки мамлакат ўртасида биринчи марта маданий, илмий ҳамкорлик ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланди.

Н. С. Хрушчев Ҳиндистонда бундан олдин 1955 йил декабрь ойида бўлган эди. Ўша вақтдан буён Ҳиндистонда ҳам, халқаро майдонда ҳам кўп ўзгаришлар бўлди. Н. С. Хрушчевнинг ҳозирги визити унинг ҳинд халқи қисматини яхшилаш учун ва ҳинд халқининг ўз турмуш даражасини тўхтовсиз юксалтиришни таъминлаш учун, тараққиётнинг ҳамма соҳаларида Ҳиндистон бажараётган ишларнинг натижаларини ўз кўзи билан кўриши ёки биринчи манбалардан ахборот олиши учун имконият туғдириб берди. Бу визит ҳар иккала бош министрнинг ўз дўстликларини яна давом эттириш ва ҳар икки томоннинг манфаатларига таллуқли бир қанча масалаларни шахсан муҳокама қилишлари учун кўпдан буён кутилган имкониятга эга бўлишларини ҳам таъминлади.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ҳукуматлари бошлиқларининг учрашуви, уларнинг бир-бирлари билан қилган суҳбатлари ва, аввало, шахсий суҳбатлари ҳар иккала мамлакат учун фойдали бўлди. Ҳиндистон бош министрининг 1955 йил июнь ойида қилган визити билан бошланган Ҳиндистон-Совет муносабатларининг янги бобига бу визит натижасида муҳим саҳифа қўшилди. Бу янги саҳифа ҳар иккала мамлакат ўртасидаги самимий ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ишида олға қараб анча катта қадам қўйилганлигини таъкидлайди.

Деҳли, 1960 йил 16 февраль.



Индонезия республикаси. Суратда: Джакарта шаҳридаги Пантджоран кўчаси.
ТАСС фотохроникаси.

Индонезия шарқи-жанубий Осиёнинг йирик мамлакатларидан бири бўлиб, Малая архипелагининг катта қисмига жойлашгандир.

Индонезия дунёдаги энг гўзал мамлакатлардан бири. Бу мамлакат тўғрисида ёзган кишилар уни «абадий боғ» деб атайдилар. Индонезия нефть, кўмир, марганец, олтин, кумуш, темир рудалари каби ер ости фойдали қазилмаларга жуда бойдир. Унумдор тупроқ, қулай об-ҳаво бу мамлакатда хилма-хил қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш имкониятини беради. Индонезия каучук етиштиришда дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Ана шу беҳисоб бойликларнинг ҳузурини сўнгги уч аср давомида голланд мустамлакачилари кўриб келдилар. Аммо эрксевар индонез халқи голланд мустамлакачилари зулмига қарши ҳаммавақт курашиб келди. Узоқ давом этган машаққатли кураш ғалаба билан тугади. 1945 йил 17 августда Индонезия мустақилликка эришди. 1950 йил августда эса у республика деб эълон қилинди.

Миллий мустақиллик қўлга кирган кундан бошлаб Индонезия ҳукумати мамлакат бирлигини иқтисодий мустақиллигини таъминлашга актив киришди. Узоқ давом этган мустамлака ҳукмронлиги Индонезия экономикасини нормал издан чиқарган эди. Мамлакатда саноат йўқ даражада, қишлоқ хўжалиги вайрон, очлик, ишсизлик, касаллик ва ёппасига саводсизлик ҳукум сурар эди.

Мустақиллик қўлга киргандан буён ўтган йиллар ичида мамлакат экономикасининг кўпгина соҳалари анча тикланди. Миллий ҳукумат биринчи галда республика экономикасини чет эл монополияларидан қутқазиш сиёсатини тутди. Натижада шу кунгача голланд компанияларига қарашли банк, савдо ташкилотлари ва саноат корхоналаридан 263 таси миллийлаштирилди. Бу ҳол мамлакат ичидаги мустамлакачи элементларга қаттиқ зарба берди, мустақил иқтисодий ривожланиш учун кенг йўл очди. Агар 1957 йилда давлат ихтиёрида мамлакат экономикасининг атиги 20 — 30 проценти бўлган бўлса, ҳозир унинг 70 проценти давлатга қарашлидир. Индонезия мустақиллигининг гарови бўлган оғир саноатни вужудга келтириш, давлат саноат корхоналарини кўпайтириш масаласига ҳукумат асосий эътибор бермоқда.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида ҳам бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Кейинги икки йилда илгариги вақтга қараганда кўпроқ гурунч етказилабошланди, аҳолининг асосий озуқаларидан бири гурунчнинг четдан келтирилиши анча камайди. Сўнгги йилларда плантацияларда каучук етиштириш ҳам сезиларли даражада кўпайиб бораётир.

Индонезия республикаси ўзининг ташқи сиёсатида ҳамма вақт тинчликсевар давлат сифатида иш кўриб келаётир.

Индонезия республикаси 1955 йил апрелда чақирилган машҳур Бандунг конференциясининг ташаббускорларидан бири бўлди. У империалистлар томонидан Осиё халқлари миллий озодлик ҳаракатига қарши ва агрессив мақсадларда вужудга келтирилган машъум СЕАТО блокини қоралади, унга қатнашишдан қатъиян бош тортди.

Кейинги йилларда империалистларнинг бевосита ёрдами билан мамлакатда реакцион гуруҳлар активлашиб қолдилар. Индонезиянинг баъзи районларида чет эл қурол-яроғи билан шайланган босмачи бандалар изғий бошлади. Мамлакатнинг турли районларида реакционерлар томонидан кўтарилган исёнлар Индонезиянинг тараққиётига гоят катта салбий таъсир кўрсатди. Масалан, биргина 1958 йил баҳорида кўтарилган тескаричи исённи бостириш учун давлат 5 миллиард рупия сарфлади. Бу эса Индонезия Республикаси йиллик бюджетининг тўртдан бир қисмини ташкил қилади. Бу маблағга Индонезия учун энг зарур бўлган бирнеча саноат корхоналари қуриш, минглаб гектар янги экин майдонлари очиш мумкин эди.

Ҳозирги вақтда Индонезия Республикасида мураккаб ички сиёсий ўзгаришлар амалга оширилаётир. 1959 йил 5 июлда президент Сукарно декрети билан мамлакатда 1945 йил конституцияси тикланди. Индонез халқининг мустамлакачилик тузумига қарши кураш, руҳини ифода этувчи бу конституция президент, ҳукумат кабинети ва мамлакатнинг муҳим сиёсий кучлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатади. Мамлакат сиёсий ҳаётида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган «бошқарилувчи демократия» принципига мувофиқ президент кенг ҳуқуққа эга бўлади; шунингдек бу принцип тескаричи гуруҳларнинг шу пайтгача амалга оширишга ҳаракат қилиб келган лўттибозликларига чек қўяди.

Давлатни бошқариш ишларида амалга оширилаётган янги принцип муносабати билан Индонезия ҳукумати уч пунктдан иборат программани олга сурди. Бу программада: қисқа вақт ичида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийимкечакка бўлган эҳтиёжини таъминлаш; халқ ва давлат хавфсизлигини сақлаш; Индонезиянинг ажралмас қисми Ғарбий Ириани голланд мустамлакачилари зулмидан озод қилиш, шунингдек мамлакат ичидаги голланд монополиялари мулкини миллийлаштиришни янада тезлаштириш марказий масалалар қилиб қўйилган.

Индонезия республикаси. Ява оролидаги Джокьякарта шаҳридаги кўчалардан бири.
ТАСС фотохроникаси.

1960 йил 12 январда мамлакатда республика илғор кучларини ўз ичига олган Миллий фронт тузилди. Шу масала юзасидан президент Сукарно томонидан эълон қилинган декретда, миллий фронт олдида республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш учун Индонезия жамоатчилигининг барча революцион кучларини сафарбар қилиш, прогрессив тадбирларни амалга ошириш учун ҳукумат ҳамда давлатнинг барча идоралари билан ҳамкорлик қилиш вазифаси туради, дейилади.

Индонезия Республикаси амалга ошираётган бу тадбирлар мамлакат илғор жамоатчилиги, биринчи галда коммунистик партия томонидан мақулланмоқда.

Индонезия Республикаси эришаётган ҳарбир муваффақият жаҳон прогрессив жамоатчилигини қувонтирмоқда. Тинчлик, демократия ва социализм лагери мамлакатлари ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Индонезия халқларига дўстона ёрдам қўлини чўзмоқдалар, унга маънавий ва моддий мадад кўрсатмоқдалар. Бу ҳол, айниқса Совет-Индонезия муносабатларида яқол кўзга ташланади.

Совет Иттифоқи ва Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар «Панча шила»нинг машҳур принципларига асослангандир. СССРнинг Индонезияга кўрсатаётган беғараз ва дўстона ёрдами Индонезиянинг асрий қолоқликдан чиқишига енгиллик туғдирмоқда. Ўзаро иқтисодий ва техника ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага мувофиқ Совет Иттифоқи Индонезияга ҳар қайсиси йилига 50 миллионнадан пўлат эритадиган 2 та металлургия заводи, шунингдек йирик суперфосфат заводи, кемасозлик ва океанография мутахассислари етказадиган факультет қурилишига кўмаклашишни ўз устига олди.

Индонезиянинг кўпгина оролларида серҳосил экин майдонларининг қаттагина қисми ҳозиргача фойдаланилмасдан келинмоқда. Совет Иттифоқи ёрдамида Калимантан оролидаги ана шундай ерларда 2 та йирик механизациялашган шоликорлик хўжалиги ташкил этилади. Техника билан тўла-тўкис таъминланган бу хўжаликлар атрофдаги минглаб деҳқонларга ҳам шоли етиштиришда ёрдам кўрсатади. Индонезия ҳукумати аста-секин ана шундай йирик шоликорлик хўжаликлари сонини 20 тага етказишни планлаштирган. Мамлакатнинг турли қисмларида Совет Иттифоқидан олинган қишлоқ хўжалик машиналари кенг қўлланилмоқда.

Калимантан оролида Совет Иттифоқи ёрдами билан 700 километр йўл қурилиш проекти тузилди. Бу тадбир оролни тўла ўзлаштиришга кенг шароит яратади ва бу ерга мамлакатнинг аҳоли тиғиз жойлашган районларидан юз минглаб кишиларни кўчириш имконини беради.

Ўзаро манфаатдорликка асосланган Совет-Индонезия савдо муносабатлари ҳам кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Икки мамлакат орасидаги маданий алоқалар тобора ривожланмоқда.

Сўнгги пайтларда икки давлат раҳбарларининг ўзаро дўстона визитлари Совет-Индонезия муносабатларининг янада мустаҳкамланишига беқиёс даражада катта хизмат кўрсатмоқда. Маълумки, Индонезия Республикаси президенти Сукарно Совет Иттифоқига икки марта яхши ният визити билан келиб кетган эди. У мамлакатимиздаги буюк ютуқлар билан танишди, жумладан Ўзбекистон халқларининг ҳам қисқа муддат ичида қўлга киритган оламшумул ғалабаларини ўз кўзи билан кўрди. Шунингдек Совет давлат арбоблари ҳам Индонезияга қилган сафарларида тинчликсевар индонез халқи ҳаёти билан танишдилар.

Совет Иттифоқи раҳбари, тинчлик иши учун толмас қурашчи Н. С. Хрушчевнинг индонезия президенти Сукарнонинг шахсий таклифига мувофиқ яхши ният визити билан Индонезияда бўлиши Совет-Индонез муносабатларини янада мустаҳкамлайди. Матбуотнинг хабар беришича, Индонезиянинг Жакарта, Бандунг, Сураба, Жакьякарта, Суракарта ва бошқа шаҳарларидаги давлат идоралари, жамоа арбоблари, оммавий ташкилотлар ва барча оддий индонез меҳнаткашлари азиз меҳмонни кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрдилар. Буюк Совет Иттифоқи раҳбари Н. С. Хрушчевни кутиш Индонезияда тинчлик ва дўстлик байрамига айланди.

Н. С. Хрушчевнинг Индонезияга қилган дўстона визити икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг энг ёрқин саҳифасини ташкил этади. Бу тарихий визит жаҳонда тинчлик ишини мустаҳкамлашга қўшилаётган янги буюк ҳиссадир.

Б. МАННОПОВ.

Озодаликни сақлаш— жамоатчилик иши

Октябрь район коммунал хўжалиги бўлими яхши ташаббус бошлади: бу ерда районни ободонлаштирувчи кўнгиллилар жамияти тузилди. Бу жамиятга боғбонлар, гулчилар, ирригаторлар ва бошқа турли касбдаги кишилар аъзо бўлмоқда. Жамиятнинг асосий вазифаси шаҳарда озодаликни назорат қилиш, кўча ва хиёбонлар, паркларни тартибли ва тоза сақлашдан иборат. Жамият ўзининг оператив марказлари — ободонлаштириш ишлари штабига эга. Шундай штаблардан бири комсомол майдонига жойлашган. Бу ерда ҳар куни иш қизғин.

Районда ҳар куни 450 квадрат метрга яқин жой супурилади, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилмоқда. Штаблар хашар ташкил қилиб, ҳовли ва кўчаларни тозалайдилар, қоровуллар ишини назорат қилиб турадилар.

Ободонлаштириш жамнятн аъзолари (ҳозирча улар 280 киши) райондаги ифлос ва тартибга солинмаган кўчаларни тозатишга, пастқам жарликларни йўқотишга қатъий бел боғладилар. Улар иш бошлагандан буён районда тартиб ва озодаликка дурустроқ риоя қилинадиган бўлиб қолди.

Бироқ, ҳали чанги ўйнаб ётган кўчалар, ахлат чиқариб ташланган майдонлар, санитариягигиена қоидаси бузилаётган жойлардан кўз юмиб бўлмайди. Бундай хунук ҳоллар баъзи ташкилот ва идоралар, маҳалла комитетларининг айби билан содир бўлмоқда. Масалан, райондаги «Фрунзе», «Эгарчи», «Ўқчи» маҳаллалари жуда ҳам ифлос, кўчалар текислаб, асфальтланмаган, қишда лойдан, ёзда чангдан йўловчи қийналади. Айниқса «Фрунзе» маҳалласи (маҳалла комитетининг раиси ўртоқ Бахромов)да озодаликка риоя қилмай қўйилган.

Савдо тоҳкалари, «Чирчиқстрой», Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, 14, 15, 25-мактаблар, 1-босмахона ва бошқа ташкилотлар ўзларига қарашли территорияни озода сақлаш ҳақида ўйламайдилар. Ваҳоланки, кўча-кўйни тозалаш, ўзи яшаб турган жойни озода сақлаш бутун жамоатчиликнинг, ҳар бир гражданнинг бурчи бўлиши керак.

Октябрь район коммунал хўжалигида бошланган яхши ташаббусни пойтахтнинг барча районларида қўлланиб, ободонлаштириш жамиятлари тузиш керак.

Яхши дам олаётирлар

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиларидан В. Крайнова, А. Давиндиев, Ф. Курмаева, Н. Никашин ўртоқлар шу кунларда мамлакатимизнинг гўзал ва баҳаво жойлари — Кисловодск, Железноводск, Ялта ва Есентукида жойлашган дам олиш уйлари ҳамда санаторийларда ҳордиқ чиқариб, ўз меҳнат отпускаларини кўнгилли ўтказмоқдалар. Уларнинг бу ерларда маза қилиб дам олиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлашлари комбинат касаба союз комитетининг ғамхўрлиги туфайлидир.

Комбинатда ишлаб, меҳнат отпускаларини мазмунли ўтказаётганлардан кўп кишини мисолга келтириш мумкин. Ўтган йилнинг ўзида ишчи, хизматчилардан бир ярим минг киши Сочи, Ялта, Железноводск, Кисловодск ва бошқа марказий курорт, санаторийларда бўлиб, сиҳат-саломатликларини мустаҳкамладилар.

Касаба союз комитети бу йил ҳам ишчиларга кўп миқдорда арзон баҳода путевкалар беришни планлаштирган. Масалан, 220 киши марказий санаторийларга юборилади. 750 киши эса Иттифоқимизнинг турли шаҳарларига жойлашган дам олиш уйларида ўз отпускаларини ўтказадилар, 550 киши эса республикамизнинг энг яхши дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаради.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Редактор ўринбосари:
М. ҚОРИЕВ.

САМОЛЁТЛАРГА КИМЁВИЙ МОДДАЛАР МЕХАНИЗМЛАР ЁРДАМИ БИЛАН ОРТИЛАДИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик азнациясининг меҳнаткашлари кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўра бошладилар. Самолётлар жойлашган ерларга кимёвий моддалар ва ёнилғи ташиб қуйилмоқда, қўниш майдончалари реконструкция қилинмоқда ва янгилари қурилаётир. Етти йилликнинг иккинчи йилида уч миллион гектардан кўпроқ майдондаги экинлар авиация ёрдами билан дориланади.

Келгуси мавсумда Ўзбекистонда кимёвий моддаларни самолётларга ортиш ишлари механизациялаштирилади. Авиация ҳодимлари «ЗАН—3» маркали бир қанча янги загрузчиклар олдилар. Бу механизмлар ёрдами билан «АН—2» қишлоқ хўжалик самолётларининг бункерларига тўкиладиган моддалар солинади.

Кимёвий моддалар ортишни механизациялаш самолётларнинг иш унумини оширади, илгари бу ишларни қўлда бажариб келган юзлаб кишини бошқа ишлар учун бўшатиб беради. (ЎзТАГ)

Тюпко студентлар орасида

Ўтган якшанба куни Тошкент қишлоқ хўжалик институти клуби студентлар билан гавжум бўлди. Бу ерга таклиф қилинган Ўрта Осиё машина-синаш станцияси трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко студентларга КПСС МК декабрь Пленуми таассуротлари ва ўзининг ишлари тўғрисида гапириб берди.

— КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми, — деди Тюпко ўз сўзида, — пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялаш йўли билан давлатга кўп ва арзон баҳода пахта етиштириш йўлларини кўрсатди. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда сиз бўлажак агрономларнинг ҳам хизматингиз катта бўлади. Эндиликда чигит экишдан тортиб пахта теримигача бўлган барча ишларни деярлик машина ёрдамида бажариш учун барча имкониятга эгамиз. Сўнгра Тюпко ўз бригадаси аъзоларининг муваффақиятлари тўғрисида сўзлади.

— Ўтган йили биз беш киши нуқул механизация кучига суяниб иш қилдик. Киши бошига 63 тоннадан пахта етиштирдик. Бир центнер пахтанинг таннархи 83 сўмга тушди. Лекин бу чегара эмас. Биз КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларига жавобан бу йил янада ғайрат кўрсатиб ишлаймиз. Пахтанинг таннархини кам деганда 60 сўмга туширамиз.

Студентлар тажрибакор механизаторнинг бу сўзларини берилиб тингладилар.

А. СУЛАЙМОНОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/II да **Травиата**, 20/II **Дилором**. СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Саттор Ярашев** ва **Галия Измайлова** қатнашади. Дирижёр — СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/II да **Йўлчи юлдуз**, 20/II да **Тоға-жиянлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/II да **Равшан ва Зулҳумор**, 20/II да **Ошиқ Ғариб**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 20 ва 22/II да **«Баҳор» халқ рақс ансамблининг концертлари**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 19,20,21,22/II да **«Айиқлар цирки» аттракционининг хайрлашув гастроллари**. Айиқларни ўргатувчи — РСФСР халқ артисти **Валентин Филатов**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

Маймоқ дўст—НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (кундуз).

Аччиқ севги—«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Парма ибодатхонаси (I ва II-серия) — «ВАТАН» (кундуз соат 3-40 минут, кеч 6-40 минут ва 9 яримда).

Мафтунингман — НАВОИЙ НОМЛИ (кеч соат 5 да ўзбек тилида).

Киши фикрини ўзгартирди — «ИСКРА» (кеч соат 10-25 минутда).

Солдат хотин — «СПУТНИК» (кундуз соат 1 ярим, 3 ярим ва кеч 5 яримда).

Қаҳрамонлик симфонияси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 5 да).

1) Буни Нью-Йорк кўрди, 2) У 150 ёшда (кундуз соат 12 ва 1-15 минутда), **Вена устида баҳор шамоли** (кундуз 2 ярим, 3-40 минут, 4-50 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Инженер кўчаси, 6-уй, 5-квартирада турувчи **Рустен Нигматович Мангутовнинг** Железняк кўчаси, 28-уйда турувчи Светлана Евгеньевна Мангутовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район, 6-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048. 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048. 132. Секретариат — 29040 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р.01589. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Нашр. А-1535.